

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:.....

ЖОНИҚУЛОВА ЛОБАР

қишлоқ хўжалигида инфратузилма субъектлари фаолиятини ривожлантириш йўллари

5A230102-“Иқтисодиёт (тармоқ ва соҳалар бўйича)”

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

Илмий раҳбар:  
и.ф.д. Т.Х.Фарманов

М У Н Д А Р И Ж А

	<b>Кириш</b>	<b>3</b>
<b>I-боб</b>	<b>Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришнинг назарий асослари</b>	<b>9</b>
1.	Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришнинг ижтимоий иқтисодий аҳамияти.....	9
2.	Инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва объектив заруриятлари.....	21
3.	Ривожланган ва ривожланиш босқичидаги хорижий давлатларда инфратузилма субъектларини ривожлантириш тажрибалари.....	32
	<b>I боб бўйича хулоса.....</b>	<b>41</b>
<b>II-боб</b>	<b>Қишлоқ ҳудудларида ижтимоий соҳа субъектларини ривожлантиришнинг ҳозирги даражаси.....</b>	<b>44</b>
1.	Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва ва инфратузилма субъектларининг ривожланиш даражаси.....	44
2.	Инфратузилма субъектлари ривожланишининг аҳоли бандлигига таъсири.....	55
3.	Инфратузилма субъектларида шартномавий муносабатлар ҳолати.....	59
	<b>II боб бўйича хулоса.....</b>	<b>70</b>
<b>III-боб</b>	<b>Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантириш истиқболлари.....</b>	<b>73</b>
1.	Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантириш йўналишлари.....	73
2.	Инфратузилма субъектларида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш.....	83
3.	Инфратузилма субъектларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизмларини такомиллаштириш	90
	<b>III боб бўйича хулоса.....</b>	<b>98</b>
	<b>Хулоса.....</b>	<b>101</b>
	<b>Адабиётлар руйхати.....</b>	<b>105</b>

Кириш

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Республикамиз қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотлар натижасида қишлоқ ҳудудларида турли хизмат кўрсатиш ва таъминот йўналишидаги инфратузилма субъектлари ташкил қилина бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек “Инфратузилма мажмуаси иқтисодиётимизнинг бутун тизими таянадиган пойдевордир. Республика бутун иқтисодий мажмуи ишининг уйғунлиги, унинг самарадорлиги шунингдек, чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш

имконияти бутунлай инфратузилма тизими ривожининг ҳолати ва даражасига боғлиқ”<sup>1</sup>.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда инфратузилма субъектларининг аҳамияти ва ўрни катта. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектлари фаолиятининг асосий мақсади ва бош вазифаси қишлоқ ҳудудларида аҳолининг ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулот етиштириш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш билан ўзаро боғланган тизимнинг мақсадга мувофиқ, бир меъёردа барқарор ишлашига ўзар кўмаклашиш, провардида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилишдан иборат. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий қувватини, аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Шу сабабли уарни ривожланишига Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан доимий эътибор берилиб келинмоқда. Бу эътиборнинг натижаси ўлароқ, мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти шароитида ушбу субъектларнинг фаолият юритиш учун зарур ҳуқуқий база яратилди ва улар муттасил такомиллаштирилиб борилмоқда.

Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларининг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан ислохотлар амалга оширилди. Ушбу ислохотлар бошланғич йилларидан бошлаб қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида жойларда уларнинг шахобчаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган зарур ҳуқуқий-меъёрий хўжатлар ишлаб чиқилди. Аммо, инфратузилма субъектларининг шахобчаларини ҳар бир ҳудудда ташкил этиш, уларни зарур техника ва жиҳозлар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш муайян харажат ва маълум бир вақтни талаб этади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг қарорларига кўра, тегишли вазирлик, компания, тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимият органлари қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва таъминот бўйича инфратузилма субъектларини ташкил этиш билан бир вақтда ушбу шахобчаларга имтиёзлар (солиқ ўндирилиши, имтиёзли кредитлар олиш ва бошқалар) ҳам берилмоқда. Бу имтиёзлар қишлоқдаги иқтисодий ислохотлар давлат томонидан бошқарилиб, субъектларнинг бошланғич фаолиятлари самарали йўлга қўйилишида амалий ёрдам кўрсатилаётганлигини ифодалайди.

Мазкур мавзу ҳозирги кунда қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳимлиги ҳисобга олинган ва мавзу юзасидан амалий тадқиқотлар ўтказилиши натижаси тайёрланган.

**Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.** Республикаимизнинг қишлоқ ҳудудларида ташкил қилинган ва фаолият кўрсатаётган инфратузилма субъектлари тадқиқот объекти ҳисобланади. Алоҳида тадқиқот ишлари Республикаимизнинг Тошкент ва Қашқадарё вилоятларининг қишлоқ ҳудудларида олиб борилди.

Тадқиқот ишлари жараёнида инфратузилма субъектлари ва бошқа хўжалик субъектлари ўртасида юзага келадиган муносабатлар мажмуи тадқиқот предмети ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Белгиланган мақсадга эришиш учун куйидаги вазифаларни кўриб чиқиш ҳисобланади:

- Республика бўйича инфратузилма субъектларини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг назарий асосларини бойитишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

- қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ташкил қилиш ва ривожлантириш жараёнларига қиёсий баҳо бериш;

- инфратузилма субъектларини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва объектив зарурлигини асослаш;

- инфратузилма субъектларини фаолиятини самарали йўлга қўйиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Диссертация иши учта бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришнинг ижтимоий иқтисодий аҳамияти; инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва объектив заруриятлари; ривожланган ва ривожланиш босқичидаги хорижий давлатларда инфратузилма субъектларини ривожлантириш тажрибалари ёритилган. Иккинчи бобда қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантириш борасида ислохотлар кўлами таҳлил қилинган; инфратузилма субъектлари ривожланишининг аҳоли бандлигига таъсири ва инфратузилма субъектларида шартномавий муносабатлар ҳолати тегишли йиллардаги кўрсаткичларга асосан қиёсий таҳлил қилинган.

Диссертация ишининг учинчи бобида қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантириш йўналишлари асослаб берилган; инфратузилма субъектларида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган; инфратузилма субъектларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳам таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот мавзуси бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Аграр соҳани ислоҳ қилиш ва қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Хусанов Р.Х.<sup>2</sup>, Салимов Б.З., Нигматжанов У.Х.<sup>4</sup>, Фарманов Т.Х.<sup>5</sup> ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Ушбу соҳа бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган агроиқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари ва фикрларига қўшимча равишда бугунги кунда қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича мавжуд муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳо бериш ва уларни ижобий ҳал қилиш бўйича илмий амалий

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

<sup>2</sup>Р.Х.Хусанов, А.Н.Хамдамов, И.Э.Рафиқов. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. Тошкент.2001 й.

<sup>3</sup>Салимов Б. ва бошқалар «Қишлоқ хўжалик инфратузилмаси иқтисодиёти». – Тошкент. 2004 й.

<sup>4</sup>Нигматжанов У.Х. Агропромышленный комплекс Республики Узбекистан на пути к рыночной экономике. Тошкент- 1994. -22 с.

<sup>5</sup>Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари // -Ташкент: Янги аср авлоди - 2004. –144 б.

жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Тадқиқотнинг назарий асосини Республика Президенти И.А.Каримовнинг илмий асарларида илгари сурилган фикр ва ғоялар, соҳа бўйича йирик олимларимизнинг қарашлари, йўналишлари ва илмий назарий фикрлариташкил этади.

Тадқиқот жараёнида мавзу доирасидаги маълумотлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон фермерлар Кенгаши ва бошқа тегишли вазирлик ва идораларнинг маълумотларидан, Республикада амалда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлардан кенг миқёсда фойдаланилди.

Тадқиқот жараёнида меъёрий, иқтисодий таққослаш, иқтисодий статистик, абстракт фикрлаш, иқтисодий гуруҳлаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти** шундан иборатки, унда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар фаолият кўрсатаётган инфратузилма субъектларини қишлоқ ҳудудларида ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини янада бойитади.

**Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти** Диссертация натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий амалий таклиф ва тавсиялардан мамлакатимизнинг манфаатдор тегишли вазирлик ва идоралари томонидан қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ҳудудий ташкил қилиш ва ривожлантириш бўйича стратегик дастурлар ишлаб чиқишда, шунингдек олий ўқув юрлари ва ўрта махсус таълим тизимидаги коллеж талабалари учун ўқув дастурлари, қўлланмалари, дарсликлар тайёрлашда кенг миқёсда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича қуйидаги илмий янгиликлар ишлаб чиқилди:  
- инфратузилма субъектларини ташкил қилиш ва ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар қиёсий таҳлил қилиниб, уларнинг назарий асосларини янада бойитиш бўйича таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди;  
- қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ташкил қилиш ва ривожлантириш жараёнига қиёсий баҳо берилди;  
- инфратузилма субъектларини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва объектив зарурияти илмий жиҳатдан асослаб берилди;  
- инфратузилма субъектларини фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмлари асослаб берилди;  
- инфратузилма субъектлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий қўллаб қувватлаш механизмлари бўйича илмий асосланган таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 111бетни ташкил этиб, унда 12 та жадвал, 4 та расм ва 68 та фойдаланган адабиётлар ўрин олган.

## **I-боб. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришнинг назарий асослари**

### **Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти**

Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш, уларнинг фаолияти ижтимоий-иқтисодий ҳолатини мустахкамлаш, Республика иқтисодиётининг асоси ҳисобланган аграр соҳа иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлаш, қишлоқда аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини доимий иш билан таъминлашнинг гарови ва асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнида турли тоифадаги корхона ва ташкилотлар иштирок этади. Ушбу корхона ва ташкилотларни ягона бозорга бирлаштирувчи, уларнинг ўзаро муносабатларини амалга оширишга кўмаклашувчи ташкилотлар инфратузилма муассасалари ҳисобланади. Уларнинг бир қисми қишлоқ хўжалиги корхоналари учун техника, ўғит, ёнилғи, пул маблағи ва шу каби ресурслар етказиб берса, бошқалари еса қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш мақсадида сотиб олади ёки сотишга кўмаклашади ва

ижтимоий хизмат кўрсатади.

Инфратузилма — (лот. инфра — остида, структура — тузилиши, ўзаро жойлашуви) — такрор ишлаб чиқариш (йўллар, алоқа транспорт, таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқалар) шароитларини таъминлайдиган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуидир. Инфратузилма моҳияти миллий хўжалик ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий сферанинг умумий шароитини таъминлаш учун хизмат қиладиган соҳалар мажмуасини ифодалайди.

Бошқача қилиб айтганда, инфратузилма ишлаб чиқаришнинг нормал ишлаши ва товарнинг нормал айланиши ҳамда одамларнинг нормал ҳаётини фаолиятини юритиш учун шароитни яратиб беришга қаратилган соҳалар ҳамда ушбу соҳаларга кирувчи корхоналарнинг ва ташкилотларининг мажмуаси.

У ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган реализация орқали қишлоқ хўжалигининг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларнинг бўлинмас қисми ҳисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва қишлоқ хўжалигининг пировард маҳсулоти миқдоран кўп ва сифатан юқори бўлишга йўналтиради. Инфратузилма қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлигини ўсишининг муҳим омилли ҳисобланади. Кўп қиррали хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиётига хос муаммоларни ҳал этишда кенг имкониятлар яратади.

Инфратузилма субъектлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатлари ва қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асоси ҳисобланиб, хизмат кўрсатиш ва таъминот тизимидаги корхоналар фаолияти ривожлантирилмасдан иқтисодиётнинг йирик тармоғи - қишлоқ хўжалигида иқтисодий барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва деҳқонларнинг даромадларини кўпайтириш мумкин эмас. Маълумки, қишлоқ хўжалигида инфратузилма субъектлари ўзаро иқтисодий муносабатларда бажариладиган вазифалари, мақсадлари ва фаолият йўналишларида бир нечта таркибий унсурларни бирлаштириб, умумий тизимда инфратузилма субъектлари мажмуасини ҳосил қилади.

Инфратузилма мажмуасига кирувчи субъектлар (соҳалар) қишлоқдаги кичик ва хусусий тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларига бевосита ижобий таъсир кўрсатиб, такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлашда ижобий рол ўйнайди.

Инфратузилма субъектлари мажмуаси тўртта белги бўйича таснифланади, жумладан:

Ишлаб чиқариш жараёнига таъсир даражаси;

Ҳудудий жойлашиши;

Тармоқ нуқтаи назари;

Мақсадли фаолият йўналиши.

Бозор муносабатларини шаклланиши ва ривожланиши даврида қишлоқ хўжалигида инфратузилма субъектлари ишлаб чиқариш, ижтимоий, институционал, шахсий, экологик ва бозор субъектлари сифатида алоҳида фаолият кўрсатса-да, улар ўзаро муносабатларда бир-бирига боғлиқ равишда шаклланади ва ривожланади (1.1-расм).

#### **1-расм.**

Манба: Тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган истеъмол озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа турдаги товарларни тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ўраш, қадоқлаш, жойлаштириш, ўраладиган идишлар билан таъминлаш, ташиш, таъминот ва таъмирлаш ҳамда сотиш каби хизматлар кўрсатувчи ташкилот ҳамда корхоналар мажмуасини ташкил этади.

Инфратузилма муассасалари хизматларининг етарли бўлиши ва унинг сифати корхонани бозор муносабатлари шароитида самарали ишлашини таъминлашнинг зарурий шартларидан ҳисобланади. Хар қандай ҳудудда мавжуд инфратузилма муассасалари уларнинг хизмат кўрсатиш соҳалари нутаи назаридан уч гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ — бу ишлаб чиқариши инфратузилмаси муассасаларидир. Бу корхоналар ишлаб чиқаришни амалга ошириш билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи муассасалар бўлиб, улар ўз хизматлари учун маълум миқдорда пул маблағлари олишади. Иккинчи гуруҳга ҳудуддаги ижтимоий соҳа муассасалари киради. Улар ишчи ва мутахассислар тайёрлаш, маориф, таълим, аҳоли соғлиғини сақлаш ва шу каби хизматлар кўрсатиш билан шуғулланишади. Ушбу муассасаларни пул маблағлари билан таъминлаш давлат ёки маҳаллий бюджет ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Учинчи гуруҳ инфратузилма муассасалари бозорда маҳсулот, пул ва ишчи кучлари ҳаракатини таъминловчи корхона ва ташкилотларни ўз ичига олади. Улар жумласига ҳудуддаги тижорат банклари, тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи турли жамғармалар, инвестиция фондлари, товар-хом-ашё, кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар биржалари, брокерлик идоралари, аудиторлик, ахборот-маслаҳат ҳамда реклама ташкилотлари ва бошқалар киради. Улар ўз фаолиятини тўлиқ хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширади. Хозирги адабиётларда асосан инфратузилманинг тўртта турига таъриф бериб келмодалар.

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади.

Унинг таркибига:

- моддий-техника таъминоти;

- маҳсулотни ташиш, салаш ва қайта ишлаш;

- техник хизмат кўрсатиш;

- сув ва электр таъминоти каби бўлинмалар киради.

Бу турдаги хизматларни ишлаб чиқариш инфратузилмасига киритишдан асосий масад – бу хизматлар ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ижобий таъсир этади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ўзига хос бир атор белгиларга эга:

бу турдаги хизматлар бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ижобий таъсир этади;

кўрсатилган хизматлар самарадорлиги фаат хизмат илаётган тармо, корхона, хизмат кўрсатиш пунктлари таъсирида амалга ошади;

инфратузилма тармоқларининг ривожланиш даражаси асосий ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиш даражаси билан

белгиланади.

2. Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатмаса-да, хўжаликнинг умумий фаолиятини таъминлашга хизмат кўрсатади. Масалан, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, инвестицион ва шу каби бошқа хизмат турлари хўжалик фаолиятининг турли томонлари самарадорлигини оширишга хизмат кўрсатади.

Бозор инфратузилмаси ҳуқуқий ва жисмоний шахс мақомидаги барча сотувчи (ишлаб чиарувчи, хизмат кўрсатувчи) ва ххаридор (истеъмолчи)лар ўртасида содир бўладиган кўп қиррали бозор муносабатларининг бевосита иштирок етувчи, бошарувчи, назорат қилувчи, текширувчи, мақсадли йўналтирувчи ва ишлаб чиқаришдан токи истеъмол қилиш гача бўлган жараёнларнинг бир текис ва тўхтовсиз кечиши учун шарт-шароит, имкониятлар яратиш мақсадида хизмат кўрсатувчи жабха ва муассасаларни ўз ичига олувчи бутун бир яхлит мажмуадир.

Бозор инфратузилмасининг ривожланиши кўп жиатдан миллий итисодиётнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди. Ўз моиятига кўра, бозор инфратузилмаси бозор иштирокчиларининг турли итисодий манфаатларини самарали амалга ошириш мухити ҳисобланади. Бозор инфратузилмасининг мақсади товар (турли хизматлар кўрсатувчилар) ишлаб чиарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларга қулай шарт-шароитлар яратиш орали ягона итисодий тизим бўлган миллий итисодиёт фаолиятининг самарадорлигини оширишдан иборат. худудларда бозор инфратузилмаси муассасаларини ташкил етиш, фаолият кўрсатиши ва ривожланиши учун республикада тўли ҳуқуқий асослар яратилган.

Улар негизини Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти еркинлигининг кафолатлари тўрғисида"ги, "Биржалар ва биржа фаолияти тўрғисида"ги, "Лизинг тўрғисида"ги, "Аудиторлик фаолияти тўрғисида"ги, "Суғурта тўрғисида"ги, "Реклама тўрғисида"ги, "Кредит иттифолари тўрғисида"ги ва шу каби бошқа қонунлари, ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатлар ташкил етади. Ушбу қонунларнинг хар бири жойларда, корхона ва ташкилотларга банк-молия, биржа, аудиторлик, суғурта, ахборот, реклама, ахборот-маслаҳат ва шу каби хизматлар кўрсатувчи муассасаларини тузиш ва фаолиятини юритишнинг тўлиқ кафолатларини белгилаб беради.

3. Ижтимоий инфратузилма таркиби аграр соҳада ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар: маориф ва маданий муассасалар, спорт, турар-жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва ҳимоя қилиш муассасалари, боғчагача, мактабгача бўлган болалар муассасалари, умумоватланиш корхоналари, савдо, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт, меҳнатни муофаза қилиш хизматлари, техника хавфсизлиги, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, соғломлаштириш муассасалари киради. Ижтимоий инфратузилма – инсоннинг хар томонлама камол топиши ва унга эришиш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар йииндисиدير. Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматчиларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор хосил қилиш учун, шунингдек қишлоқ аҳолисининг турли маиший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қилади .

4. Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга итисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошарув органлари, молия-кредит муассасалари ва бошқалар киради. Қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ер майдонларидан самарали фойдаланиш мақсадида фермер хўжаликлари ривожлантирилаётган бўлса, қишлоқда меҳнат қилишга қобилиятли аҳолини,

#### **1-жадвал**

Манба: Интернет-Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали маълумоти асосида.

шунингдек бўшаб қолган фуқароларни ишга жойлаштиришда аҳолининг менталитети, қобилияти, тажрибаси, касбий маълумоти ва шаклланган анъаналарини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарурлиги аён бўлди. Бунда инфратузилма субъектларини ривожлантириш асосида мавжуд муаммони ҳал қилиш мумкин бўлади.

Иқтисодиёт эркинлаштирилаётган ва бозор муносабатлари ривожлантирилаётган жараёнда қишлоқда инфратузилма субъектларини самарали фаолиятини йўлга қўйиш энг аввало қонунчилик-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни талаб этади ва бу борада қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузишнинг амалдаги тартиби такомиллаштирилди. Шартномавий муносабатларда томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлик маъсулиятини кучайтириш мақсадида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва тайёрлов, қайта ишлаш, сотиш, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида белгиланган меъёрлар ва талабларга риоя қилиши устидан тизимли назорат ўрнатилди.

Қишлоқ худудларида инфратузилма субъектларини ривожлантириш энг аввало мавжуд молия-кредит механизмини такомиллаштиришни талаб этади. Ҳозирда қишлоқ туманларида тижорат банкларининг молиявий-иқтисодий салоҳиятини кучайтириш билан бир вақтда уларнинг мини-банкларини қишлоқ худудларида ташкил этишга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Хозирда қишлоқ хўжалиги ҳаракатида асосий негизи ҳисобланган фермер хўжаликлари банклар билан бўладиган ўзаро муносабатлари мустаҳкамланди, банк операцияларини ўтказиш вақтлари қисқарди.

Сўнги йилларда қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчиларни, айниқса давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етиштириш тизимида муайян ўзгаришлар бўлмоқда. Бизнингча, келгуси йиллардан бошлаб давлат эҳтиёжи учун маҳсулот харид қилиш жараёнида фермер хўжалиklarини кредитлаш тизимини расмийлаштириш ва ажратиш тартибини соддалаштириш, тайёрлов корхоналари томонидан барча фермер хўжалиklarини тўғридан-тўғри кредитлаш тизимига ўтиш мақсадга мувофиқ. Фермер хўжалиklarини томонидан қисқа ва узоқ муддатли кредитлар олишда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш ҳамда жорий йилда қутилаётган ҳосилни кафолатлаш асосида кредит ажратқилишини амалиётга жорий қилиш зарур.

Қишлоқ туманларида тижорат банкларига муқобил равишда кредитлаш сифатида кредит уюшмаларини ташкил этиш йўли билан фермер хўжалиklarини фаолиятини молиялаштириш ва кредитлаш шаклларини ривожлантирилмоқда. Бундан ташқари, Оролбўйида, шунингдек қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлари кучли шўрланган ва сув таъминоти паст бўлган минтақаларда фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиklarини учун қўшимча имтиёзлар берилмоқда.

Соҳага инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестициялар жалб этиш тадбирлари ишлаб чиқилиб, бу борада турли кўргазма ва ахборот марказлари ташкил этилмоқда.

Ушбу тадбирлар фермер хўжалиklarини билан биргаликда инфратузилма субъектлари фаолиятини ривожлантиришда алоҳида муҳим ўринни эгаллайди.

Фермер хўжалиklarини самарали фаолиятини йўлга қўйишда моддий-техника таъминоти ва хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш алоҳида муҳим ўринни эгаллайди.

Фермер хўжалиklarини томонидан моддий-техника ресурсларини харид қилишда махсус жамғармалар орқали сотиш тизими босқичма-босқич тугатилиб, савдо тармоқлари ва товар хом ашё биржалари орқали барча зарур бўлган товарларни эркин харид қилишга ўтилди.

Қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси объектларини ташкил қилиш ва ривожлантириш учун қулай иқтисодий шарт-шароитлар яратилмоқда. Республикамизда лизинг хизматлари (молиявий, техникавий ва бошқалар) кўрсатишни ривожлантириш нафақат фермер хўжалиklarини, балки улар билан бир қаторда инфратузилма субъектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг самарали йўналишларидан бири бўлмоқда.

Қишлоқ минтақаларида қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларининг манфаатларини адолатли ва ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий институтлар, консалтинг ва ахборот-маркетинг хизматларининг тармоқлари ташкил этилмоқда.

Фермер хўжалиklarини етиштирилган маҳсулотларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини такомиллаштиришида айниқса инфратузилма субъектларининг ўрни ниҳоятда катта. Шу жиҳатдан ҳам қишлоқда инфратузилма субъектларини ривожлантириш қишлоқ хўжалигини устувор йўналиш сифатида барқарор ривожлантиришни таъминлайди. Бу жараёнда фермер хўжалиklarини инфратузилма субъектлари билан кооперация муносабатларини ўрнатишлари ва ўзаро манфаатдорлик асосида барқарор ривожланиши, қишлоқ ҳудудларида меҳнатга қобилиятли аҳоли учун доимий иш ўринлари ташкил этилиши мумкин.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилаётган маҳсулотларни замонавий тайёрлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга тайёр ҳолда экспорт қилиш хажмини кўпайтириш учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилган бўлса-да, маҳсулотларни белгиланган манзилгача соф ҳолда етказиш учун керак бўлган техника воситаларининг (автомобил, темир йул транспорти, ҳаво транспорти ва бошқалар) тариф расценкаларини қимматлиги ёки етишмаслиги, бу маҳсулотларни сугурталаш, саклаш ва бошқа тадбирлар учун инфратузилма субъектлари самарали фаолият кўрсата олмайдди. Натижада мавсумий етиштирилган маҳсулотлар ички бозорда нисбатан паст баҳода сотқилиши ва фермерларнинг даромадини пасайиши руй берса, иккинчи томондан, етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилиш ва бу орқали фермерларнинг даромадини кўпайтиришга бўлган манфаатдорлиги йуқолади. Шунинг учун ҳар қандай ҳолда фермер хўжалиklarини томонидан етиштирилган маҳсулотларни қўшни давлатлар бозорига чиқариш ва улар бозорини эгаллашга интилиш, хориж бозорини қўлдан чиқармаслик учун курашиш зарур. Бу борада Республика ҳуқуқати макроиктисодиёт даражасида божхона ҳужжатлаштириш, солиқ ундириш, транспорт расценкаларини белгиланган имтиёзларни қўллаш ва бошқа вазифаларни бажарса, фермер хўжалиklarини ва инфратузилма субъектлари маҳсулотни тайёрлаш ва жунатиш билан боғлиқ вазифаларни бажаришади. Бунинг учун Республикамиз буйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жорий йилда экилиш башорати, ҳосилдорлиги, қутиладиган ялпи ҳосил, мавсум давомида қутилаётган сотиш баҳоси, соҳага хизмат кўрсатиш, моддий-техника ресурслари таъминоти буйича корхона ва ташкилотларнинг манзиллари, таклиф этилаётган ассортимент ва унинг нархи тўғрисида, яъни ташқи ва ички бозорнинг конъюнктураси буйича йирик инфратузилма субъекти - ахборот-маркетинг, ҳуқуқшунос каби хизматлар тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Фермер хўжалиklarининг самарали фаолияти энг аввало хўжалиқда ички меҳнат муносабатларини тўғри қонуний йўлга қуйиш ҳисобланса, иккинчи томондан соҳа ва ҳужалиklar учун тажрибали ва қобилиятли кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини доимо ошириб бориш талаб этилади.

Фермер хўжалиklarига ёлланган ишчилар (жумладан, унинг оила аъзолари) ўртасидаги меҳнат муносабатлари ички меҳнат шартномалари асосида йўлга қўйилмоқда.

Аҳоли зич жойлашган туманларда инфратузилма субъектларини ташкил қилиш муносабати билан юзага келаётган ортиқча меҳнат ресурсларини доимий иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини очиш, ва бунинг учун турли йўналишда хизмат кўрсатиш ва таъминот йўналишидаги инфратузилма субъектларини ривожлантириш энг мақбул йўл ҳисобланади. Бу йўналиш билан биргаликда фермер хўжалиklarига ноқишлоқ хўжалиқ фаолиятини ривожлантираётган фермер хўжалиklarини иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирларини амалиётга жорий қилиш зарур.

Фермер хўжалиги раҳбарлари ва аъзоларини касбий малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш буйича ҳудудларда доимий фаолият кўрсатадиган ихтисослашган марказларни ташкил этиш, зарур ҳолларда инфратузилма субъектларини иш билан банд бўлганларнинг малкасини ошириш керак бўлса ривожланган хорижий мамлакатларга тажриба ошириш мақсадида юбориш зарур.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маълум бир соҳасига ихтисослашган, фермер хўжаликлари учун фан-техника ютуқларини ва инновацион янгиликларни ёритиб бориш, ички ва ташқи бозордаги мавжуд аҳвол ва келгусидаги башорат кўрсаткичлари буйича махсус маълумотномаларни ҳал этишга кўмаклашувчи инфратузилма субъектларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Республика Президенти ва ҳукумати томонидан фермер хўжаликларини устувор йўналиш сифатида барқарор ривожлантириш концепцияси белгиланган тадбирларни амалга ошириш натижасида 2012 йил бошига келиб фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларининг салмоғи умумий қишлоқ хўжалиги ерларидава суғориладиган майдонлардаги юқори фоизни ташкил этди.

Қароқалпоғистон Республикаси ва вилоятлар буйича фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш ва таъминот бўйича ихтисослашган инфратузилма субъектларининг шахобчалари кўпаймоқда. Қишлоқда инфратузилма объектлари томонидан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш аҳволи ва натижадорлиги юзасидан ўрнатилган мониторинг натижаларига кўра, 2013 йилда 1641 та муқобил МТПлар 19607 та, 1504 та сув истеъмолчилари уюшмаси 51909 та, 1357 та ЁММ сотиш шохобчалари 44302 та, 915 та минерал ўғит сотиш шохобчалари 45006 та, 1293 та минибанклар 32075 та, 341 та консалтинг ва маркетинг хизматлари кўрсатиш тармоқлари 3280 та, 346 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш шохобчалари 13724 та, 115 та транспорт шохобчалари 4298 та, 143 та тара идишлар тайёрлаш ва қадоқлаш шохобчалари 1550 та, 2591 та зооветеринария хизмати кўрсатиш шохобчалари 5765 та фермер ва деҳқон хўжаликларига хизмат кўрсатиш бўйича шартномалар тузган.

Фермер хўжаликларининг республика бўйича қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотидagi улуши 2013 йилдаги 34 фоизни ташкил қилмоқда. Шундай қилиб, фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми охириги 5 йил мобайнида 2 барабар кўпайди.

Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий чора тадбирларни амалга ошириш, шунингдек фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашни, ишлаб чиқариши инфратузилмасини ва сервис хизмати кўрсатишни ривожлантиришни талаб этади. Мана шу мақсадларда қишлоқда ижтимоий-иқтисодий инфратузилма субъектларини ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқдаки натижада ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ижобий кўрсаткичларга ўсмоқда. Шу билан бирга минтақаларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминловчи ҳуқуқий институтлар тизимини шакллантиришга доир комплекс чора-тадбирларни амалга оширилмоқда. Бу борада меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, меҳнат ресурслари тақчиллигига дуч келаётган минтақаларга аҳоли зич жойлашган туманлардан шахсларни жалб этиш, шунингдек инфратузилма субъектларини ривожлантиришда малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатларда малака оширишда бўлиши масалаларига алоҳида эътибор берилди.

## **2. Инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва объектив заруриятлари**

Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектлари шаклланиб, улар ривожланиш даражасига чиқишмоқда. Аммо, улар ўз ҳудудларида рақобат муҳитини ва мулкдорлар синфини яратишда сезиларли мавқеини эгаллаб олмаяптилар. Мавжуд аҳволни ўрганиш мақсадида республикамиз қишлоқ хўжалиги тармоғида ёки қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ташкил қилишни, битируволди малакавий иши даврида инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва объектив заруриятлари ўрганиб чиқдим ва қуйидагичаталқин қилдим. Инфратузилма субъектларини ривожлантиришга оид хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, шунингдек Республикамизда амалга ошириладиган иқтисодий эркинлаштириш жараёнида давлатнинг ташкилотчилик ролини юқори бўлиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ривожланган мамлакатларда инфратузилма субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-80 фоизни ташкил қилган ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 70 фоизи меҳнат қилади, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида эса мазкур соҳа 50-60 фоизни ташкил этади. Аммо, республикамизда бу кўрсаткич 10-15 фоиздан ошмаяпти.

Бугун қишлоқ хўжалигида 99,4 % маҳсулот ишлаб чиқарқилиши нодавлат мулк шакллари ҳиссасига тўғри келиб, қишлоқда кўп укладли иқтисодиётнинг асосий субъектлари бўлиб-ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳисобланади. Қишлоқда шаклланган субъектларга сифатли ва кафолатланган хизмат кўрсатиш орқали уларни самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш кўп жиҳатдан инфратузилма субъектларининг ривожланишига боғлиқ.

Республикамизда қишлоқ хўжалигида инфратузилма субъектларини шакллантириш ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш билан боғлиқ жараёнларда давлат томонидан бозор муносабатларига мос ва қишлоқ ҳудудлари ҳамда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириладиганлигини кўрсатмоқда. Жумладан:

инфратузилма субъектларини ташкил этишда уларнинг юқори самара берадиган ва фаолият кўрсатиши зарурияти мавжуд бўлган жойларда шакллантираётганлиги;

барча субъектлар учун мақбул ҳудудий жойлашув, тармоқ тузилишидан қатъий назар барча субъектларга хизмат кўрсатишни таъминланаётганлиги;

белгиланган муддатларда шартномалар бўйича қабул қилинган топшириқларни бажариш борасидаги ишончни тўла шаклланаётганлиги;

мавжуд субъектларни самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида иқтисодий рағбатлантириш усуллари, жумладан имтиёзли кредитлар, солиқлар ва бошқа иқтисодий механизмлар жорий этиладиганлигини таъкидлаш мумкин.

Аммо, шу билан биргаликда:

турли даражада истеъмол маҳсулотлари бўйича талабни кучайиши ва таклифни чекланганлиги шароитида муайян нобарқарорликни юзага келиш хавфининг мавжудлиги;

инфратузилманинг субъектлари фаолиятида ихтисослашув ва меҳнат тақсимоти ҳисобига эришиладиган самарадорлик даражасининг пастлиги;

инфратузилма субъектларини ўз даромадлари доирасида фаолият юргизиши имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўз-ўзини маблағ билан таъминламаётганлиги;

инфратузилма субъектларининг ихтисослашуви ва улар ўртасида ўзаро рақобатнинг шаклланиётганлиги ҳамда монополия ривожланишига барҳам берилмаслиги кўзга ташланмоқда.

Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ташкил этишни тартибга солиш муҳим хусусиятга эга бўлиб, истиқболда инфратузилма субъектларини ривожлантиришда уларни ҳисобга олиш зарур ҳисобланади. Ҳар бир инфратузилма субъекти ўзини самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ва унга имконият яратадиган ягона тартибга солувчи бозор унсурлариталаб ва тақлиф, баҳо ва рақобат асосида шаклланади. Аммо, аграр соҳада бозор муносабатларининг тўлақонли шаклланиётганлиги ҳам инфратузилма субъектларини ривожланишига асосий тўсиқлардан бири ҳисобланмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектлари фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришни фақат маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан амалга ошириш мураккаб ва бозор муносабатларига зид усул ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида кредит, солиқ, нарх-наво, хусусийлаштириш, инвестиция ва бошқа соҳаларда бозор тамойилларига мос иқтисодий сиёсатни олиб бориш орқали барқарор макроиқтисодий муҳитни шакллантириш ва шу асосда инфратузилма субъектларини ривожлантириш энг мақбул ва қулай йўл ҳисобланади.

Инфратузилма субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ўрнини ҳисобга олган ҳолда Республикаимизнинг барча ҳудудларини ривожланишида муайян ижобий роль ўйнашини ҳисобга олиб, ҳудудларнинг табиий-иқтисодий шарт-шароити, қишлоқ хўжалиги экинларини ихтисослаштириш ва жойлаштириш, аҳолининг ўсиш суръатлари, аҳоли бандлиги ва бошқа омилларини ҳисобга олган ҳолда инфратузилма субъектларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Чунки аҳолиси зич ва табиий ўсиш кўрсаткичи юқори бўлган Фарғона водийси билан Сирдарё ёки Жиззах вилоятида инфратузилма субъектларини ривожлантиришга бир хил ёндошиш мумкин эмас. Фарғона водийси вилоятларида ишсизлик муаммосини ҳал қилиш мақсадида қишлоқ жойларида маҳаллий хом ашё: пахта, ғалла, жун, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва маҳаллий қурилиш материалларини бирламчи ёки тайёр маҳсулот сифатига қайта ишлашга ихтисослашган инфратузилма субъектларини ривожлантириш асосида энг аввало ички бозорда талабни ҳар томонлама қондирадиган ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобланади. Бунинг учун биринчидан, тўқимачиликка ихтисослашган, жумладан, пахта, ипак, шу каби маҳсулотларни қайта ишлайдиган саноат корхоналарининг қишлоқ ҳудудларида кичик бўлинмаларини ташкил қилиш ни рағбатлантириш, иккинчидан, инфратузилма субъектлари ёрдамида маркетинг хизмати ва реклама орқали, аввало, МДХ мамлакатларидаги маҳсулот сотиш бозорини қайтадан тиклаш, ва иккинчи босқичда жаҳоннинг бошқа мамлакатлари бозорларидан ўрин эгаллаш талаб этилади. Қишлоқ ҳудудларида аҳолининг меҳнат бандлигини таъминлайдиган, қўшимча иш ўринлари яратадиган инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва кўпайтириш учун давлат, нодавлат ва бошқа молиявий маблағлар кўп сарф қилинишини талаб этади.

Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:

маҳсулот сотишда тўлиқ қафолатни таъминланмаганлиги;

бозор конъюктураси ҳақида маълумотларнинг етишмаслиги ёки йўқлиги ва бу маълумотларни ҳар мавсумда олиш имкониятининг мавжуд эмаслиги;

сарфланган молиявий маблағларни қоплаш хавфининг юқорилиги ва бошқа омиллар таъсирида деҳқон ва фермерлар маҳсулот ишлаб чиқаришдан юқори моддий манфаатдорликка эришишга тўлиқ ишонч ҳосил қилмасликлари;

қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқаришига ихтисослашган субъектларга хизмат қилувчи ва тармоқда юқори моддий манфаатдорликка эришишни рағбатлантирувчи тизимнинг тўлиқ шаклланиётганлиги ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда инфратузилма субъектлари қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишини, тармоқдаги барча соҳаларнинг, жумладан пахта ва ғалла етиштиришнинг барқарор иқтисодий мустаҳкам бўлишини таъминламоқда. Ушбу ҳолатни қуйидаги омиллар билан изоҳлаш мумкин:

давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган экинларни экиш ва ҳосилини йиғиштириб олиш билан боғлиқ бўлган барча агротадбир ҳамда ишларга имтиёзли кредит берилмоқда;

бўлажак ҳосил ихтиёрий равишда суғурта қилиниши белгиланган;

тайёрлов ёки қайта ишловчи корхоналар, хизмат кўрсатиш субъектларига ички ва ташқи сармояларни жалб қилиш орқали янги иш ўринлари яратилмоқда;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш миқдори фьючерс шартномалари асосида тартибга солинмоқда;

қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнат қиладиган мутахассислар тайёрланмоқда;

кредитлаш тизими орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни молиявий маблағ билан таъминланмоқда;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишда ички ҳамда қўшни давлатлар бозорини ўрганиш мақсадида маркетинг фаолияти ташкил этилмоқда;

Маълумки, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар инфратузилма субъектлари билан қанчалик яқин ва мустаҳкам муносабатда бўлишса, уларнинг фаолияти кўпроқ бозор тамойилларига мос келади. Бунинг учун биринчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари учун зарур бўлган инфратузилма субъектларини ташкил этиш ривожлантирилса, иккинчи томондан, ушбу хизмат кўрсатиш ва таъминот субъектларида хизмат қиладиган мутахассисларни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш талаб этилади.

Инфратузилма субъектларини ривожлантирилиши қишлоқда кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиради ҳамда бозор тамойилларини тез шаклланишини таъминлайди, жумладан, молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи тижорат банклари ўзларининг бўш молиявий ресурсларни хўжаликларнинг инвестиция талабларини қондиришга, шунингдек банк ва хўжаликлар ўртасида бозор муносабатларни шакллантириб, молиявий бозорда воситачилик тизимини ва уни тартибга солиш механизмни шакллантиради.

Сўнги йилларда республикаимизда олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида инфратузилманинг субъектлари фаолият юритаётганлигига қарамасдан улар ҳануз бозор шароитида сифатли хизмат кўрсатадиган субъектга тўлиқ

айлангани йўқ. Бунга асосий сабаб-инфратузилма субъектлари фаолиятидаги айрим камчиликлар, жумладан улар кўрсатадиган хизматларни истеъмол қилувчи субъектларда (асосан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари) бозор муносабатлари тамойилларини жорий қилинмаганлиги ҳисобланмоқда.

Бугунги кунда қишлоқда товар (хизмат) ишлаб чиқарувчилари, жумладан ширкат, фермер ёки агрофирмалар ўз фаолиятлари натижасида топган пул маблағларини эркин тасарруф қила олмайдилар, уларнинг молиявий фаолиятлари махсус ҳисоб-китоб рақамлари орқали чегаралаб қўйилган. Натижада товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорларда фаолият қилиш имконияти чегараланган бўлса, тижорат банклари эса ўз мижозларига эркин ва зарур хизматни тўлиқ кўрсата олмаётдилар.

Республикамызда фақатгина пахта ва ғалла етиштирувчилар учун кафолатланган бозор мавжуд, яъни қишлоқ хўжалик корхоналари етиштирган пахта ва ғалла маҳсулотини аниқ тайёрлов корхоналарига сотадилар. Лекин, бошқа турдаги маҳсулотлар учун аниқ бозорни тўлиқ шаклланмаганлиги натижасида деҳқонлар етиштирилган маҳсулотларини биринчи дуч келган ер ёки тадбиркорларга сотиб келишмоқда.

## 2-жадвал

### Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятида инфратузилма субъектлари билан ўзаро муносабатлари

<b>Инфратузилма муассасаси номи</b>	<b>Фаолият йўналиши тури</b>	<b>Эҳтиёжни қондириш даражаси</b>
Банк хизмати (Агробанк, Қишлоққўқилиш банк)	Пул маблағларини сақлаш ва кредитлаш	Пул маблағларини сақлаш ва кредит таъминоти, хўжалик эҳтиёжи учун ишлатилади
«Ўзқишлоқхўжалик маъмулизи» компанияси ва бошқа ташкилотлар	Техникани лизинг асосида ижарага бериш	Хўжалик учун зарур бўлган техникаларни шартнома асосида лизингга олинади
«ЎзагроСУғурта» компанияси ва бошқа ташкилотлар	Қишлоқ хўжалиги ҳосили ва мулкларини мажбурий ва ихтиёрий суғуртани амалга ошириш	Хўжаликнинг экинлари ҳосили ва турли мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш тадбирларини амалга оширади
Солиқ идораси	Ер солиғи, даромад солиғи ва бошқа турли тўлов ва ажратмалар	Ернинг балл бонитетига кўра ўрнатилган ягона ер солиғи тўланади. Белгиланган ставкалар бўйича солиқ, ажратмалар ва тўловлар амалга оширилади
Ахборот-консалтинг фирмалари	Турли йўналишда маслаҳат бериш	Бозор субъектларига турли йўналишда консалтинг хизматини кўрсатиш
Аудитор фирмалари	Хўжалик молиявий фаолиятини таҳлил	Хўжаликларга молиявий фаолиятини таҳлил қилиш да аудиторлик хизматини кўрсатиш
Лойиҳа-смета бюрolari	Лойиҳа ва смета тузиш шларини ташкил этиш	Хўжаликларни ичимлик суви, газлаштириш, турли қўқилиш объектларини лойиҳалаш ва смета тузиш шлҳарида хизмат кўрсатиш
Агрофирма	Хўжаликларга тижорат ишларида амалий ёрдам кўрсатиш	Хўжаликларда маҳсулот етиштириш бўйича фьючерс шартномаларини тузиш, экспорт, тижорат масалаларида амалий ёрдам кўрсатиш
<b>Ишлаб чиқариш инфратузилма субъектлари</b>		
МТП ва муқобил МТП	Механизация хизмат кўрсатиш	Қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларига механизация бўйича хизмат кўрсатиш
СФУ	Сув таъминоти бўйича хизмат кўрсатиш	Қишлоқ хўжалигидаги корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига сув таъминоти бўйича хизмат кўрсатиш
Минерал ўғит, ЁММ ва бошқа ресурслар таъминоти бўйича шахобчалар	Ушбу ресурсларни таъминоти бўйича хизмат кўрсатиш	Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулоти етиштирувчиларни ушбу турдаги ресурслар билан таъминлаш бўйича хизмат кўрсатиш
Ветеринария ва зоотехника хизматини кўрсатиш шахобчалари	Ветеринария ва зоотехника хизматини кўрсатиш	Чорва молларига эга бўлган барча хўжалик субъектларига ветеринария ва зоотехника хизматини кўрсатиш
<b>Ижтимоий инфратузилма субъектлари</b>		
Касалхона ва поликлиника	Соғлиқни сақлаш тизимида хизмат кўрсатиш	Аҳолига соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича хизмат кўрсатиш
Маданият ва санъат	Маданият, маърифат ва маънавиятни ривожлантириш	Аҳолининг маданий эҳтиёжларини таъминлаш, шунингдек маърифий-маънавий ишларни кучайтириш бўйича хизмат кўрсатиш.

Кўнгилли дам олиш, умум овқатланиш ва савдо-тижорат шахобчалари	Дам олиш, умум овқатланиш бўйича хизмат кўрсатиш	Кундалик дам олиши истироҳат боғлари, умум овқатланиш ва савдо-тижорат шахобчалари аҳолининг дам олиши ва савдо-сотик ишларига талаб асосида хизмат кўрсатиш.
---	--	---

Манба: Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида.

Маълумки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аниқ, ихтисослашган кафолатли бозорларини фаолият кўрсатиши товар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантирувчи, нарх-навони бир маромда барқарор туришини таъминловчи ва энг асосийси, ниҳоят шу йўналишдаги инфратузилма субъектларини ривожланиши ва янги иш ўринларини ташкил бўлишида муҳим омил ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари инфратузилма субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун, биринчи навбатда, давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ҳажмларини белгилаш ва назорат қилиш бўйича ваколат ва вазифаларини функцияларини бозорга асосланган, қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ривожлантириш учун тегишли шароитлар яратиш ва тармоқни қўллаб-қувватлашга қаратишлари лозим. Улар фермер хўжаликларидега етиштирилган барча турдаги маҳсулотларни товар хом-ашё биржалари, уларнинг жойлардаги филиаллари ва брокерлик идоралари ҳамда ташкил этилган доимий қишлоқвчи улгуржи-савдо ярмаркалари орқали эркин сотиши мконини яратишлари зарур.

Давлатнинг боши ислохотчи сифатида инфратузилма субъектларини босқичма-босқич ривожлантириш борасида, қонунлар, Республика Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Инфратузилма субъектларининг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида 2011 йилгача ўндан ортиқ қонунлар, Президент Фармонлари, элликдан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва улар амалиётда ушбу жараёнини ривожлантиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, катта капитал маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари қишлоқ жойлхарида суист ривожланмоқда ва қишлоқ аҳолисининг улардан фойдаланиши имкониятлари пастлигича қолмоқда.

Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳозирча бозор меъзонларига мос келмайди ва уни ривожланган мамлакатларда бу соҳа бўйича эришилган кўрсаткичларга мутлақо таққослаб бўлмайди. Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодийтадаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар:

хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, жумладан, хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш асосида 20113 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54 фоизга етказиш;  
2010-2013 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,4 мартага кўпайтириш;  
қишлоқ жойлхарида истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;  
анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда янги истиқболли-юрдик, консалтинг, банк, молия, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;  
мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;  
хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб қувватлашни амалга ошириш ушбу қонун ҳужжатларда акс этирилган.  
Буларга асос бўлувчи инфратузилма субъектларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 383-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-255-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамасининг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги 325-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамасининг 2007 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги;

2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида" 254-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 апрелдаги "Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини модернизациялаш ва ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-247-сонли қарори.

Юқоридаги қонун, қарорлардан ташқари инфратузилма субъектларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилиниб ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда, булардан асосий кўзланган мақсад инфратузилма субъектлари фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлашдир.

### **Ривожланган ва ривожланиш босқичидаги хорижий давлатларда инфратузилма субъектларини ривожлантириш тажрибалари**

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари инфратузилма субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида ҳозирги кунда ушбу давлатлардаги қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовут сезиларли даражада эмас чунки жойларда ташкил этилган инфратузилма субъектлари самарали фаолият юритмоқда. Ривожланган давлатларда қишлоқ

хўжалигини ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида саноатни ушбу ҳудудларга яқин жойларга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш билан бир қаторда саноат ва қишлоқ хўжалиги ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан мустахкамлаш мақсадида инфратузилма субъектларининг самарали фаолият юритишига алоҳида эътибор қаратилади. Ривожланган Америка Қўшма Штатлари, Германия, Англия давлатларида қишлоқ хўжалигида ташкил этилган инфратузилма субъектлари самарали фаолият юритиши натижасида инфратузилма субъектлари билан ўзаро муносабатда бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш даражалари ошишига сабаб бўлмоқда.

Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги тармоғини самарали фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожлантириш учун қишлоқда хусусий мулкка эгалликни таъминлаш ёки ерга булган хусусий мулкчиликни ҳуқуқий асосларини қабул қилиш билан бир вақтда инновация янгиликларини амалиётга жорий қилиш ва инфратузилма субъектларини ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида алоҳида эътибор берилган. Қишлоқдаги товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга турли йўналишда хизмат кўрсатиш ёки таъминот соҳасида фаолият кўрсатишга ихтисослашган инфратузилма субъектларининг барчаси бошланғич даврда давлат томонидан турли даражада иқтисодий қуллаб қувватланган.

Хорижий давлатларда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш ва таъминот йўналишидаги инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш жараёнларида ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни ҳуқуқат ва маҳаллий минтакалар даражасида қандай бўлиши зарурлиги тажрибаларини ўрганиш, энг мақбул тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг ҳудудларига мослаштирган ҳолда амалиётга жорий қилиш бозор муносабатларига утиш даврида катта аҳамиятга эга.

**Илғор давлатларда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланиш босқичи.** АҚШ қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган, тўлиқ фойдаланилмаётган ва бошқа мавжуд табиий-моддий ресурслардан самарали фойдаланишни назарда тутувчи «Дарё бўйи ҳудудларини ривожлантириш режаси (дастури)» ва шунингдек, қишлоқ жойларида истикомат қиладиган, даромади паст аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган «Қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш Дастури» асосида умумий ривожланиш режаси қабул қилиниб, қишлоқ хўжалиги тармоғида олиб борилган тадбирлар натижасида ривожланиш босқичи белгиланган. Натижада мамлакат микёсида ресурслардан самарали фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан бир қаторда бандлик даражасини ошириш, пировард натижада қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш амалга оширилди. АҚШ давлати учун хос булган хусусият шундан иборатки, юқоридаги тадбирлар мақсадли равишда, саноат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳалари инфратузилма субъектларини узвий боғлиқликда ривожлантирилиши таъминланди.

Қишлоқ ҳудудларида саноат корхоналарини ташкил этиш асосида инфратузилма субъектларини ривожлантириш мамлакатнинг қишлоқ минтакаларида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш имкониятини яратди:

1) Қишлоқ хўжалиги корхоналарини, кичик ва хусусий тадбиркорларни кредитларга булган талабини қондириш осонлашди ва соддалаштирилди, қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантириш иқтисодий қуллаб-қувватланди ва рағбатлантирилди;

2) Қишлоқ ёшларини доимий иш билан таъминлаш имкониятлари кенгайди, кичик ва урта фермер хўжаликларининг аъзолари иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида меҳнат қилиш эвазига қўшимча даромад олиш имконига эга бўлдилар.

3) Қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланишни кенгайтириш уз навбатида сарф- харажатларни камайишига олиб келди. Бу эса қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш заруриятини келтириб чиқарди. Натижада ушбу ҳолат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бошқарувни соддалаштириш ва хўжалик фаолиятида капитал сифими нисбатан юқори бўлган усулларга ўтишни рағбатлантирди.

4) ва, пировард натижада капитал сифими юқори бўлган усуллар учун манфаатли ҳисобланган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳудудий бозорлар ривожланди.

Қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич ривожлантириш масалаларида муҳим мисоллар сифатида Германиядаги Эмсланд ҳудудида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурини (1951 йилда бошланган), Голландиянинг Эйсон қўлининг қуритилиши ва ўзлаштирилиши, Италиянинг жанубий ҳудудларини ривожлантириш дастурларини келтириш мумкин. Бу лойиҳаларда давлатнинг молиявий маблағлари илгари фойдаланилмаган ёки кам фойдаланилган ер ресурсларини ўзлаштириш, катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги ёки дехкон хўжалиги объектларини қуриш, технологик жараёнларини ривожлантириш ва ниҳоят, ички иқтисодиёт (хўжаликларнинг ички заҳирасидан фойдаланиш эвазига харажатларни қисқартириш) фаоллаштиришга йўналтирилган. Бу лойиҳаларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда ишчи кучи миграцияси, фермер хўжаликларининг йириклашуви, қишлоқ хўжалигида таркибий ислохотлар натижасида мустақил хўжаликлар ва инфратузилма субъектларини ривожлантириш биргалиқда амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

**Ривожланаётган давлатларда қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланиши.** Ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш зарурияти аҳоли сонининг қупайиши билан боғлиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши, ижтимоий инфратузилма субъектларини ривожлантириш зарурияти ва бу талабларнинг якуни сифатида саноат корхоналарини ривожлантиришга олиб келаётганлиги билан изоҳланади.

Ривожланиш босқичига чиқаётган мамлакатлар ўз иқтисодиётини ривожлантиришда саноат корхоналарининг булинмаларини ёки маҳаллий қишлоқ хўжалигини ривожланиш зарур деган мунозарали масала мавжуд эди. Чунки ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти асосан саноат корхоналарини ривожлантириш характерида эга эканлиги сабабли бу давлатларда ҳам устувор йўналиш саноат корхоналарини ривожлантириш йўналишига берилишига сабаб бўлган. Бироқ, қишлоқ хўжалиги ва саноат корхоналарини биргалиқда, узвий боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатиши ҳақида фикр юритилиб, инфратузилма субъектларини ривожлантирмасдан қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантириб булмаслиги тушуниб етилган.

Сўнгги йилларда барча ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Бу узиш асосан илгари фойдаланилмаган ерларни ўзлаштириш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва инфратузилма субъектларини ривожлантириш натижасида таъминланмоқда.

Ривожланган давлатларнинг олимларининг таъкидлашича, жaxon микёсида қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ер майдонлари ҳажмининг чекланганлиги сабабли бир бирлик ишлов бериладиган ер майдонларидан олинадиган ҳосил миқдорини ошириш имконини берадиган технологияларни қўллаш, минтакаларнинг табиий-иклим шароити ва экинлар

таркибини хисобга олган холда инфратузилма субъектларини ривожлантириш асосида узаро бир-бирига боғлиқ булган бир бутун мажмуани ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда бир бирлик экин майдони ҳисобига олинадиган ҳосил миқдорини оширишда ирригация, селекция, селекцион уруғ жамғармаларидан самарали фойдаланиш, кимёвий ўғитлар ва гербицидларни қўллаш, тармоққа хизмат кўрсатишга ихтисослашган инфратузилма субъектларининг хизматларидан кенг фойдаланилади. Ривожланаётган мамлакатларда инфратузилма субъектларининг хизмат доирасини кенгайтириш ва кучайтириш, тармоқда таъминот ва хизмат кўрсатиш салоҳиятидан самарали фойдаланишни йўлга қуйиш асосида кишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги кескин ошириш мумкин деган фикр мавжуд, аммо кишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни қупайтириш учун мақбул усул ва агротехнологияларни мамлакатнинг табиий шароитларини хисобга олган холда амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари одатда иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар, таъминот, хизмат кўрсатиш, экспорт-импорт масалаларида муаммоларга купрок дуч келадилар, Шунинг учун ривожланиш босқичига чиқаётган давлатларда кишлоқ хўжалиги тармоғини кредитлаш тизимини такомиллаштириш, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимига хизмат қиладиган инфратузилма субъектлар - транспорт хизмати, сақлаш, кадоклаш, ураш, қайта ишлаш ва сотиш тизимини ривожлантиришаг катта эътибор бермоқдалар.

Тадқиқот давомида Япония давлатининг аграр тармоғида инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш борасида олиб борилган тадбирлар таҳлил қилинди.

Япония давлатида кишлоқ хўжалигини ривожлантириш - кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва истеъмолчиларининг моддий фаравонликлари даражасини ошириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган мақсадли иқтисодий фаолият хисобланади.

Қишлоқ хўжаликни ривожлантиришдан кўзланган мақсадлар қуйидагилардан иборат:

- 1) Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, иқтисодиётнинг саноат корхоналарини эса хом ашё билан таъминлаш.
- 2) Мамлакатда саноатни ривожлантириш билан бир вақтда ижтимоий инфратузилма субъектларини шакллантириш асосида ишчи кучларидан самарали фойдаланиш;
- 3) Мамлакатда саноат корхоналари ва ижтимоий инфратузилма субъектларини ривожлантириш учун зарур жамғармаларни шакллантириш;
- 4) Маҳаллий саноат маҳсулотлари (товар) бозорини шакллантириш ва ривожлантириш;
- 5) Эркин иқтисодий тизим шароитида ривожланган мамлакатларга кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг экспорти ҳисобига ишлаб чиқариш воситалари (асбоб-ускуналар, технологиялар ва ҳ.к.) ва хом ашё импортини амалга ошириш учун зарур хорижий валюта тушумини таъминлаш имкониятига эга бўлиш хисобланди.

Японияда кишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланиш босқичлари 3-босқичдан иборат булиб, 1-босқичда мулк эркинлигини кафолатлаш, яшаш жойи ва касб танлаш эркинлиги - кишлоқ хўжалиги тармоғини тикланиши ва ривожланишининг зарурий шартлари деб белгиланди.

2-босқичда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кўп меҳнат талаб этадиган, ва аксинча, капитални нисбатан кам талаб қиладиган технология асосида ривожланди.

3-босқичда кишлоқ хўжалиги тармоғи асосан маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларига меҳнатни тежовчи ва капитал сиғими юқори бўлган технология асосида ривожланишига утилди.

3-босқичда кишлоқ хўжалигини механизациялаштиришни кучайтириш ва инфратузилма субъектларини кооперация асосида ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар вужудга келади. Инфратузилма субъектларини ривожлантириш учун жалб қилинган янги ресурслар, яъни инвестициялар тўлалигича амалиётга йўналтирилиши натижасида фермер хўжаликларида меҳнат унумдорлиги ва даромад миқдори сезиларли даражада оша бошлади.

Японияда кишлоқ хўжаликнинг ривожланиши уз ичига урушдан кейинги иқтисодиётни тиклаш босқичида кишлоқ хўжаликнинг ривожлантиришни, жумладан бунда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган сиёсат; кишлоқ хўжалиги ерларининг ўзлаштирилиши ва мелиорация тадбирларидан («Киска муддатда ўзлаштириш режаси» (беш йиллик режа) иборат.

Япония иқтисодиётидаги Мэйдзи даврининг илк йиллари 1868 йилдан биринчи жаҳон уришигача – 40 йил мобайнида барқарор узишининг асосий омили сифатида кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариши унумдорлигининг ўсиши эътироф этилади. Бу тармоқдаги солиқлар миқдори ва озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоларини нисбатан пасайиши ҳисобига мавжуд ресурсларни иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига оқиб ўта бошлади. 1887 йилдан эса кишлоқ хўжалигида банд булган аҳоли сонининг қисқариши натижасида бўшаган меҳнат ресурсларини иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ўтишини таъминлади.

Натижада кишлоқ хўжалиги бозоридаги ўзгаришлар умуммиллий иқтисодиётнинг соҳалари таркибига сезиларли ижобий таъсир кўрсатди. Худди шунингдек, иккинчи жаҳон урушидан сўнг кишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ўсишининг кейинги босқичи 1955 йилдан бошланган иқтисодий ўсиш пойдеворининг вазифасини бажарди. Бу ҳолат кишлоқ хўжалиги тармоғини бошқа соҳалар учун ишчи кучи таъминчиси, турли ресурслар манбаси вазифасини ўтаганлиги, кишлоқ хўжалиги бозорининг кенгайгайиши ва хорижий валюталарни тежашга эришилганлиги билан изоҳланади.

1955 ва ундан сўнги йилларда мавжуд фермер хўжаликлари майдонларининг кенгайтирилиши натижасида кишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ер майдонларининг ҳажми қупайди.

Мамлакатда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини экстенсив усулда ривожлантириш тамойили қайта кўриб чиқилди, кичик майда фермер хўжаликларининг майдонларини кенгайтириш билан бир вақтда ҳудудий инфратузилма субъектларини ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширила бошланди. Янги турдаги инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш Жаҳон банкининг кредитлари ҳамда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қупайтириш учун берилган кредитлари хисобидан амалга оширилди.

6. Япония ва ривожланаётган мамлакатлари кишлоқ хўжаликнинг мустақил ривожланиш йўли.

Ривожланаётган давлатларда асосан хом ашё етиштиришга ихтисослашаётгани, жаҳон миқёсида янги иқтисодий тартиб шакллари излаш жараёни давом этаётганига қарамасдан, етакчи капиталистик мамлакатлар трансмиллий

корпорацияларининг жаҳон банкида хукмронлик даражаси амалда сезиларли таъсирга эга. 1973 йилдаги озиқ-овқат мазсулотлари танқислиги сезилганида бутун жаҳон америка трансмиллий компанияларининг дон бозоридаги нархларни қай даража бошқарганига гувоҳ бўлган. Шундан сўнг АҚШ барча давлатлардан турли усуллар воситасида дон ва бошқа маҳсулотлар ҳалқаро савдосини эркинлаштирилишига ҳаракат қила бошлади, натижада ҳозирги ЖСТ вужудга келди. Суғурта қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъеклари ривожланишининг асоси ҳисобланади. Эксперт баҳоларга кўра, қишлоқ хўжалигида ҳосилнинг 30-35 дехқонга боғлиқ, қолгани эса об-ҳаво, ер, сув, шароитлари, шунингдек, яратилган инфратузилмага боғлиқ. Биргина фермер хўжаликларида ҳосилни суғурта қилдиришга кўпчилигининг имкони йўқлигини ҳисобга олган ҳолда, чет элларда бўлгани каби давлат томонидан қўллаб-қўвватлаш имкониятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, деярли барча мамлакатларда ҳосилни суғурталаш давлат томонидан субсидияланади. Бу соҳада Япония тажрибаси эътиборга лойиқ. Унга кўра, суғурта мукофотлари субсидияланади (50 фоизгача), шунингдек йиғилган суғурта мукофотининг (бадаллари) олдиндан келишилган даражасидан (80 фоизгача) ошган зарар қопланади.

Хорижий мамлакатлар тарихидан тўпланган тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва минтиқаларимиздаги қишлоқ қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, илғор чет мамлакатларнинг тажрибаларидан ижобий фойдаланиш йўллари жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, республикада қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришда бу соҳада бир қатор ютуқларга эришган ривожланган ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш хусусиятларига яқин мамлакатлар тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Россияда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва ташкил этиш шакли Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ривожлантириш ва ташкил этиш каби босқичма-босқич амалга оширилди ва фермер хўжаликларини куйидаги ҳолларда ташкил этиш белгиланди.

жамоа қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш натижасида;

ўзига тегишли ер ва мулк пайларни жамоа хўжалигидан олиб чиқиш йўли билан;

Россия Федерациясида қишлоқ хўжалигида давлат ва жамоа мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни фермер хўжаликларини ва унги хизмат қилувчи инфратузилма субъектларининг ривожланишига сабаб бўлди.

Ҳозирда ривожланаётган мамлакатлар олдида турган вазифа у ёки бу ҳудуд учун мақбул, ички бозор эҳтиёжлари учун озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ички истеъмол ҳажмининг кенгайишига таянишдан иборат янги технологияларни жорий қилишда муайян ҳудудда қишлоқ хўжалик экинлари, уй ҳайвонлари таркиби, тупроқ ва табиий ресурслардан фойдаланиш тарзи ҳисобига ҳисобига олиниши ва фермерларнинг мустақиллигидан келиб чиққан ҳолда ҳақиқатда зарур деб ҳисобланган илғор технологиялар танлаб олиниши зарар.

Қишлоқ хўжалик сиёсатининг асосий тамойили дехқоннинг ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга қаратилган кунлик сайи ҳаракатлари муайян натижа бериши учун зарур шароит яратишга қаратилган бўлиши керак. Бу йўналишдаги асосий муаммо дехқончиликнинг ўзлари фаолият юритаётган ерга нисбатан эгаллик тизимининг шаклланишига намоён бўлади. Ерга эгаллик билан боғлиқ бундай тизимнинг шаклланиши билан бир қаторда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни юқори устама фоизларни тўлаш ёки савдо соҳаси субъектларига қарам бўлишдан холос қилувчи, уларнинг эркин ривожланишига хизмат қилувчи қишлоқ хўжалик ускуналари, молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш салоҳиятига эга замонавий кредит тизими шакллантирилиши зарур. Юқоридаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлар амалда мавжуд қишлоқ хўжалиги инфратузилмаларининг самарали фаолиятини ташкил этиш юзасидан амалга оширилган ислохотларнинг Республикада мавжуд инфратузилма субъектларининг фаолиятларига мос келувчи тажрибаларни ўзлаштириш ҳисобига уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш бунда жаҳон тажрибаларининг қўллаш ўринлидир.

## I-боб бўйича хулоса

Мамлакатимиз аграр соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини ошириш асосида Республика аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилашдан иборат. Бу мақсадга эришиш ўз навбатида ижтимоий масала-аҳоли даромадларининг ошиши ва қишлоқ инфратузилмасининг ривожланишини тақозо қилади. Шу жиҳатдан қишлоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бир-бири билан боғлиқ бўлган икки жиҳат ижтимоий ва иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилмоғи лозим.

Инфратузилма субъектлари ҳар қандай иқтисодий тизимнинг асосий таркиби ҳисобланиб, кўрсатаётган турли йўналишдаги хизматлари билан барча тармоқ ва соҳаларнинг иқтисодий барқарор ривожланишида асосий пойдевор ҳисобланади.

Инфратузилма субъектлари қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш муносабатлари ва қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асоси ҳисобланиб, хизмат кўрсатиш ва таъминот тизимидаги корхоналар фаолияти ривожлантирилмасдан иқтисодиётнинг йирик тармоғи - қишлоқ хўжалигида иқтисодий барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари ва дехқонларнинг даромадларини кўпайтириш мумкин эмас.

Инфратузилма субъектлари қишлоқ хўжалиги тармоқларини барқарор ривожлантириш имкониятларини яратишда бош ўринни эгаллайди.

Инфратузилма муассасалари хизматларининг етарли бўлиши ва унинг сифати корхона бозор муносабатлари шароитида самарали ишлашини таъминлашнинг зарурий шартларидан ҳисобланади. Хар қандай ҳудудда мавжуд инфратузилма муассасалари уларнинг хизмат кўрсатиш соҳалари нутаи назаридан уч гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ — бу ишлаб чиқариши инфратузилмаси муассасаларидир. Бу корхоналар ишлаб чиқаришни амалга ошириш билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи муассасалар бўлиб, улар ўз хизматлари учун маълум миқдорда пул маблағлари олишади. Иккинчи гуруҳга ҳудуддаги ижтимоий соҳа муассасалари киради. Улар ишчи ва мутахассислар тайёрлаш, маориф, таълим, аҳоли соғлиғини сақлаш ва шу каби хизматлар кўрсатиш билан шуғулланишади. Ушбу муассасаларни пул маблағлари билан таъминлаш давлат ёки маҳаллий бюджет ҳамда бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Учинчи гуруҳ инфратузилма муассасалари бозорда маҳсулот, пул ва ишчи кучлари ҳаракатини таъминловчи корхона ва ташкилотларни

ўз ичига олади. Улар жумласига ҳудуддаги тижорат банклари, тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи турли жамғармалар, инвестиция фондлари, товар-хом-ашё, кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар биржалари, брокерлик идоралари, аудиторлик, ахборот-маслаҳат ҳамда реклама ташкилотлари ва бошқалар кириди. Улар ўз фаолиятини тўлиқ хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширади. Хозирги адабиётларда асосан инфратузилманинг тўртта турига таъриф бериб келмодалар.

1. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади.

Унинг таркиби:

- моддий-техника таъминоти;
- махсулотни ташиш, салаш ва қайта ишлаш;
- техник хизмат кўрсатиш;
- сув ва электр таъминоти каби бўлинмалар кириди.

Бу турдаги хизматларни ишлаб чиқариш инфратузилмасига киритишдан асосий масад – бу хизматлар ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ижобий таъсир этади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ўзига хос бир атор белгиларга эга:

бу турдаги хизматлар бевосита махсулот ишлаб чиқармайди, лекин ишлаб чиқариш жараёнига бевосита ижобий таъсир этади;

кўрсатилган хизматлар самарадорлиги фаат хизмат илаётган тармо, корхона, хизмат кўрсатиш пунктлари таъсирида амалга ошади;

инфратузилма тармоқларининг ривожланиш даражаси асосий ишлаб чиқариш жараёнининг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

## **II-боб. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришнинг хозирги даражаси**

### **1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва инфратузилма субъектларининг ривожланиш даражаси**

Қишлоқда инфратузилма субъектларини ривожлантириш асосан бу соҳада ишлаш кадрлар тайёрлаш ва улар касбий тайёргарлик даражасини ошириш билан боғлиқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда вилоятларида мавжуд олий ўқув юртлири ҳамда бошқа ўқув тизимларида инвестицион лойиҳаларни тузиш, мулкни баҳолаш, брокерлик, корхона менежери, маркетинг соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта ўқитишни кенгайтириш зарур.

Бу соҳада яна бир муҳим масала - бозор инфратузилма муассаларининг хизматлари учун тўланадиган ҳақ доимо ўсиб бормоқда. Шу туфайли кўплаб кичик корхоналар, дехқон, фермер хўжаликлари бозор инфратузилма муассаларининг хизматларидан фойдаланиш имкониятларига эга эмаслар. Вилоятларда фаолият кўрсатаётган кўрсатаётган аксарият инфратузилма муассаларининг бош ташкилотлари Тошкент шаҳрида жойлашган, шуни ҳисобга олган ҳолда, улар тасарруфидаги вилоят бўлимларига хизмат харажатларини пасайтиришга ҳар томонлама ёрдам беришлари лозим.

Шунингдек, вилоятларда қишлоқдаги тадбиркорларга хизматлар кўрсатаётган консалтинг, ахборот-маслаҳат, аудиторлик марказларига солиқ бўйича имтиёзлар бериш ҳам бу йўналишдаги ишлар муҳим иқтисодий асос бўлар эди.

Бугинги кунда “Агробанк” тизими 60530 дан ортиқ фермер хўжалигига, “Ўзпахтасаноат” уюшмаси таркибидаги 122 та, “Ўздонмахсулот” давлат акцидорлик компанияси таркибидаги 45 та, “Ўзагроташсервис” уюшмаси таркибидаги 193 та, 1681 дан зиёд муқобил машина трактор парклари, “Ўзқишлоқхўжалиқимё” тизимидаги 172 та, 755 та қурилиш корхоналарига, 375 та транспорт корхоналарига ва 74 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектларига кенг қамровли банк хизматлари кўрсатилмоқда.

“Агробанк” республиканинг барча ҳудудларда ўзининг муассасига эга бўлиб, 186 та туман (шаҳар) филиали, 1462 та минибанк, 175 та махсус касса, 275 та валюта айрибошлаш шахобчаси, 498 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахсларга банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалигида яшайдиган, хусусан фермерчилик билан шуғулланувчи аҳолини турмуш даражасини яхшилаш ва уни таъминлаш бозор инфратузилмасини жойларда барпо этиш катта аҳамиятга эга. Чунки, бозор инфратузилмаси муассасалари бозорда товарлар, пул, меҳнат ресурслари, ахборотлар ҳаракатини таъминлашга хизмат қилади.

Бозор инфратузилмаси - махсулот (хизмат) ишлаб чиқарувчини истеъмолчи билан ягона бозор маконда бирлаштириб, ишлаб чиқариш ва истеъмол кўлами ўртасидаги зиддиятни бартараф этувчи ва унинг барча иштирокчилари ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришишларини таъминловчи муассалар ва воситачилик таркиблари тизимидир.

Бозор инфратузилмасининг хизмат турлари:

- банк хизмати ;
- биржа ва брокерлик хизмати;
- улгуржи савдо ва ярмарка хизмати;
- вудитоорлик ва суғурталаш хизмати;
- ахборт ва консалтинг хизмати;
- фермерларни тайёрлаш ва ўқитиш хизмати;
- юридик хизмат;

Минибанклар хизматидан фойдаланишдаги муаммолар:

фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги техникаси, қорамол сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бўйича илтимослари қондирилмаслиги;

фермерларнинг керакли ҳолларда давлат эҳтиёжи учун сотиб олаётган махсулотларни етиштириш учун зарур аванс тўловларини ўтқизиш ҳақидаги илтимослари қондирилмаслиги;

банкда ишловчи мутахассисларнинг малакаси пастлиги, иш тартибига риоя қилмаслиги, оперативликнинг йўқлиги ва х.к.

Банк химатчилари уларнинг иш ва харакатига боғлиқ бўлмаган ҳолларнинг мавжудлиги;  
керакли техника жихозлари билан яхши таъминланмаганлик (компьютерлар, прентерлар, модемлар, телефонлар);  
мини-банк ишини самарали йўлга қўйиши учун мижоз фемерлар етарли эмаслиги;  
қишлоқ жойларда электр энергиясининг доимий ўчириб қўйилиши;  
малакали мутахассислар етишмаслиги;  
мини-банк ходимларининг етарлича рағбатлантирилмаслиги;  
мини-банкларга ишга жўнатилган мутахассисларнинг уй-жой билан таъминланмаганлиги ва х.к.  
Шуни алоҳида таъкидаб ўтиш лозимки, Республикамизда фаолият кўрсатаётган инфратузилма субъектларидан ҳисобланган муқобил МТПлар ва МТП ДАЖларининг иш фаолияти асосан деҳқончилик тармоғига хизмат қилиш билан чекланиб қолган, аммо чорвачилик тармоғини ривожлантириш бевосита унинг ишлаб чиқариш жараёнини комплекс механизациялашга боғлиқ. Демак, бу борада жаҳонда ривожланган мамлакатлар тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фермер хўжаликларни механизация ишлари асосан ўз техникалари ёрдамида амалга оширадilar, аммо техникаларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш шахобчалари томонидан амалга оширилади.

Хозирги кунда малакатимиз фермер хўжаликлари ер майдонлари хажми катталаштирилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, фермер хўжалиги ўз моддий техника таъминотини мустахкамлашга имкониятлари етарли эмас. Шу сабабдан ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб фермер хўжаликларининг ер майдонларини йириклаштириш юзасидан қатор ислохотлар амалга оширмоқдаки, бу ўз навбатида моддий техника таъминоти мустахкам, иқтисодий жиҳатдан мустақил хўжаликлар юзага келишига асос бўлаолади. Бунда бошқа инфраузилма субъектларининг риожланган ҳолатида ўзаро муносабатда бўлишини тақозо этади. Қишлоқ ҳудудларидаги итисодий-ижтимоий ислохотларни ўтказиш натижаси шу жойлардаги инфратузилма субъектларини риожлантириш асосида аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашдир. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришдан асосий кўзланган мақсад шуки, малакатимиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларда яшайди ва ушбу инфраузилма субъектларда ишлайдилар. Инфратузилма субъектларини ривожлантиришда биринчидан улар ўз фаолиятларини мустахкам йўлга қўйишлари учун зурур бўлган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни жорий этиш, ҳамда унинг ижросини мумтазам назорот қилиш зарур. Инфратузилма субъектларини ривожлантиришда юқорида келтирилган ислохотлар давлатимиз мустақиллика эришган кундан бошлаб алоҳида эътибор қаратилмода. Бунинг натижасида ўтган йилларда давомида қишлоқ ҳудудларидаги мавжуд инфраузилма субъектларининг сониди, сифатида ижобий ўзгаришга эришилди бу ўз навбатида аҳолининг яшаш шароитларини яхшилабгина қолмай корхоналарнинг ўз фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашмоқда, ушбу ислохотлар қуйидаги жадвалларда ўз аксини топган.

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектларини ташкил этиш динамикаси (2007-2012 йиллар)

Т/р	Йиллар										
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	2007	1562	1271	1110	1051	895	381	317	581	77	73
2	2008	1779	1671	1340	891	1207	2180	295	443	82	78
3	2009	1777	1676	1340	928	1094	2278	300	424	82	78
4	2010	1767	1711	1386	935	1471	2410	300	424	82	78
5	2011	1720	1711	1377	917	1404	2540	301	424	82	78
6	2013	1681	1487	1366	917	1462	2596	318	420	85	78
	<b>2013 йил 2007 йилга нисбатан, +, -</b>	<b>119</b>	<b>216</b>	<b>256</b>	<b>-134</b>	<b>567</b>	<b>2215</b>	<b>1</b>	<b>-161</b>	<b>8</b>	<b>5</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумоти асосида.

### 4-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси бўйича инфратузилма объектларисони тўғрисида 2014 йил 1 январь ҳолати

Т/р	Ҳудудлар									
1	2	5	6	7	8	9	10	11	12	
1	Қорақалпоғистон Р.	134	129	128	103	113	103	19	37	
	вилоятлар:									
2	Андижон	184	185	98	67	63	173	23	40	
3	Бухоро	145	149	79	73	145	204	38	52	
4	Жиззах	5	110	125	20	96	132	12	20	
5	Қашқадарё	184	181	185	126	129	276	34	53	
6	Навоий	52	58	53	29	35	68	15	12	
7	Наманган	139	143	68	40	122	127	12	6	
8	Самарқанд	241	29	118	84	230	431	17	53	

9	Сурхондарё	119	156	80	54	53	264	25	24
10	Сирдарё	91	104	100	51	75	70	4	8
11	Тошкент	191	191	131	124	145	186	18	51
12	Фарғона	166	164	112	72	146	208	48	51
13	Хоразм	116	112	109	92	119	168	35	17
	<b>Республика буйича</b>	<b>1767</b>	<b>1711</b>	<b>1386</b>	<b>935</b>	<b>1471</b>	<b>2410</b>	<b>300</b>	<b>424</b>

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумоти асосида.

#### 5-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида инфратузилма объектлари сони тўғрисида 2014 йил 1 январь ҳолат

Т/р	Худудлар									
1	2	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	Қорақалпоғистон Р.	134	129	128	103	113	118	19	37	1
	вилоятлар:									
2	Андижон	186	186	98	67	63	184	23	40	7
3	Бухоро	104	149	79	73	91	209	38	52	2
4	Жиззах	5	112	122	22	96	141	12	20	1
5	Қашқадарё	184	177	185	126	129	292	35	53	6
6	Навоий	52	58	54	29	35	78	15	12	1
7	Наманган	139	144	68	40	122	140	12	6	11
8	Самарқанд	241	29	121	84	230	434	17	53	16
9	Сурхондарё	126	104	88	59	57	273	25	24	7
10	Сирдарё	91	156	92	51	75	76	4	8	8
11	Тошкент	191	191	121	96	145	199	18	51	14
12	Фарғона	161	164	112	75	149	218	48	51	7
13	Хоразм	106	112	109	92	99	178	35	17	1
	<b>Республика буйича</b>	<b>1767</b>	<b>1711</b>	<b>1377</b>	<b>917</b>	<b>1404</b>	<b>2540</b>	<b>301</b>	<b>424</b>	<b>82</b>

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумоти асосида

#### 6-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида инфратузилма объектларисони тўғрисида 2012 йил 1 январь ҳолати

Т/р	Худудлар									
1	2	5	6	7	8	9	10	11	12	
1	Қорақалпоғистон Р.	134	129	128	103	113	125	14	37	
	вилоятлар:									
2	Андижон	185	109	97	67	72	192	23	40	
3	Бухоро	104	118	79	73	72	215	38	52	
4	Жиззах	5	116	122	22	96	146	12	20	
5	Қашқадарё	184	139	185	126	210	298	35	53	
6	Навоий	52	57	54	29	35	81	15	12	
7	Наманган	135	144	67	40	122	140	12	4	
8	Самарқанд	241	35	121	84	230	436	43	53	
9	Сурхондарё	126	153	79	59	57	279	25	24	
10	Сирдарё	57	104	92	51	62	80	0	6	

11	Тошкент	191	149	121	96	145	203	18	51
12	Фарғона	161	119	112	75	149	223	48	51
13	Хоразм	106	115	109	92	99	178	35	17
	<b>Республика бўйича</b>	<b>1681</b>	<b>1487</b>	<b>1366</b>	<b>917</b>	<b>1462</b>	<b>2596</b>	<b>318</b>	<b>420</b>

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумоти асосида.

**7-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида инфратузилма объектлари сони тўғрисида 2014 йил 1 январь ҳолати**

Т/р	Худудлар									
1	2	5	6	7	8	9	10	11	12	
1	Қорақалпоғистон Р. вилоятлар:	134	128	128	103	113	125	14	37	
2	Андижон	185	109	96	49	72	192	23	40	
3	Бухоро	104	124	79	73	57	215	38	52	
4	Жиззах	5	115	122	22	96	146	12	20	
5	Қашқадарё	184	144	185	126	210	295	35	53	
6	Навоий	52	57	57	29	35	81	15	12	
7	Наманган	135	144	67	40	122	140	12	4	
8	Самарқанд	241	35	121	84	230	434	43	53	
9	Сурхондарё	135	153	78	59	30	279	25	24	
10	Сирдарё	57	104	91	51	56	80	0	6	
11	Тошкент	191	149	121	96	145	203	18	51	
12	Фарғона	161	120	112	75	149	223	48	51	
13	Хоразм	106	115	109	92	99	178	35	17	
	<b>Республика бўйича</b>	<b>1690</b>	<b>1497</b>	<b>1366</b>	<b>899</b>	<b>1414</b>	<b>2591</b>	<b>318</b>	<b>420</b>	<b>85</b>

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумоти асосида

Юқорида келтирилган жадвалларда йиллар давомида республикаимиз қишлоқ худудларида инфратузилма субъектлари ривожланиш даражаси ўз аксини топган. Инфратузилма субъектларининг 2007-2012 йиллардаги ҳолатини қуйидагича таҳлил қилиш асосида республикаимиз қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ҳолатини билиш мумкин. Инфратузилма субъекти ҳисобланган муқобил МТПларнинг сони 2007 йилда 1562 донани ташкил эган бўлса бу кўрсаткич 2012 йилда 1681 донани ташкил этди, ўтган давр мобойнида 119 донга ёки 7.6 фоизга ошиши ушбу субъектнинг моддий-техника таъминоти мустахкамланиши ифодалади ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг самарали фаолият юритишига кўмаклашади. Бу ўсиш сураётлари муқобил МТПда машина-тракторларни эксплуатация қилишга эҳтиёжи бўлган мижозларнинг талабини ҳисобга олган ҳолда шакилланган. Қишлоқ худудларида аҳолининг ва хўжаликларнинг техникаларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда муқобил МТПларида ва бошқа турдаги хўжаликларда техникаларнинг сонини оширишга давлат томонидан алоҳида этибор берилиши натижасида охириги 2007-2014 йилларда уларнинг сони ошди. Биргина 2013 йилда республикада янги сотиб олинган техникалар сони қуйидагиларни ташкил этди. Жами сотиб олинган тракторлар сони 2124 та бўлса 2007-2014 йиллар давомида бу кўрсаткич 13896 тани ташкил этди, ҳозирги кунда республикаимизда мавжут тракторларнинг сони 156378 тани ташкил этади. Албатта бу кўрсаткич қишлоқ хўжалигининг сўнги йилларда техника таъминоти мустахкамланиб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш сфати ва ҳажми ошишига сабаб бўлиб аҳолининг ва саноатнинг ушбу маҳсулотга бўлган таълаби қондирмоқда.

Қишлоқ худудларида инфратузилма субъектларининг ривожланиши банкларнинг самарали фаолиятига кўрсатишига ҳам боғлиқ. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида қишлоқ худудларида мини-банклар сони 2007 йилда 895 тани ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2012 йилгача 567 тага ошиши натижасида 1462 тани ташкил этди, натижада аҳолига ва хўжаликларга хизмат кўрсатиш даражаси 63 фоизга ошди ва мижозларнинг банкларга бўлган ишончи бирмунча яхшиланди.

Қишлоқ хўжалигининг самарали фаролият юритишини таъминлашда бошқа турдаги инфратузилма субъектларининг ҳам ўрни сезиларлидир буни қуйидаги инфратузилма субъектларининг 2007-2014 йиллардаги ҳолатида кўриш мумкин бунда:

СИУларнинг сони 2007 йилда 1271 тани ташкил этган бўлса 2014 йил 1-январь ҳоллатигача 216 тага кўпайиши ёки 16 фоизга ошиши натижасида 1487 тани ташкил этди. ЁММ шахобчаларинингларининг сони 2007-2014 йил 1-январь ҳолатларига кўра 1110тадан 1366 тага ёки 256 тага ошди. Минерал ўғит сотиш шахобчалари сони 2007-2014 йил 1-январь ҳолатларига кўра 1051 тадан 137 та камайиши натижасида 917 тани ташкил этди. Агрофирмалар сони 2007-2014 йил 1-январь ҳолатларига кўра 195 тадан 269 тага етди; Чорвачиликни ривожлантириш асосида аҳолининг ва саноатнинг ушбу тармоқда етиштирилган маҳсулотларга бўлган талабини қондириш мақсадида ушбу тармоқнинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини қуйидаги рақамларда кўришимиз мумкин. 2007-2014 йилларнинг 1-январь маълумотларига кўра республикамизда зотли моллар сотиш ва зооветеринария хизматларини кўсатиш шахобчалари сони 381 тадан 2215 тага ошиши натижасида 2013 йилда 2596 тани ташкил этди. Хозирги кунда республикамизда аҳолига ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига транспорт хизматини кўрсатувчи шахобчалар сони 420 тани ташкил этмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш ва сотиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга кўмаклашувчи шахобчалар сони 2007 йилда 317 тани ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2012 йил 1-январидан 318 тани ташкил этди ва хозирда самарали фаолият юритмоқда.

Юқорида келирилган таҳлиллардан шу нарса кўриниб турибдики сўнги йилларда қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантириш мақсадида олиб борилган ислохотлар ўзининг ижобий натижасини кўрсатди бундан аҳолининг ва хўжаликларнинг хозирги иқтисодий-ижтимоий ҳолатига қараб баҳолаш мумкин.

## 2. Инфратузилма субъектлари ривожланишининг аҳоли бандлигига таъсири

Қишлоқ ҳудудларида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш жамия ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва у мамлакат иқтисодийётада алоҳида аҳамиятга эга. Қишлоқ ҳудудларида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сфатида жойларда инфратузилма субъектларини ривожлантирилиши рағбатлантириш, асосида янада ривожлантириш бўйича хозирги кунда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ ҳудудларида аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатдош касаб-хунарга ўқитиш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса ўзгартириш ва диверсификация масалаларига эътибор кучайтириш. Бу янги ўринларни яратиш билан бар қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ҳам кўзда тутди;

иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало ушбу марказлар тузилмасини муқобуллаштириш, глобал инқириз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилona тақсимлаш чора-тадбирларини талаб этади.

Демографик жараёнларга боғлиқ ҳолда, юртимизда меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда 2007-2013 йиллар давомида 2090.2 минг кишига ёки 13.7 фоизга ортган. Бу даврда меҳнат ресурсларининг сонининг ўртача йиллик ўсиши 2.6 фоизни ташкил қилган. Кўрилатган даврда меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръати республика вилоятларида бир меъёрга кечмаган. Жумладан, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхандарё ва Фарғона вилоятларида республика ўртача кўрсаткичларидан юқори, қолган барча ҳудудларда эса паст бўлган. 2014 йилнинг 1-январь ҳолатига кўра, меҳнат ресурслари ҳажми аҳолининг 59 фоизини ташкил қилиб, унинг асосий қисми (қарийб 60 фоизи) Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тўпланган.

Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодий тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада оширишга имкон берди. 2007-2013 йиллар мобайнида банд бўлган аҳолининг сони 10735.4 минг кишидан 11919.1 минг кишига ёки 11.0 фоизга ортган. Таҳлил қилинаётган даврда иш билан банд аҳолининг сони республиканинг барча ҳудудларида ҳам ортган. Аммо, таҳлиллар унинг ўсиш суръати бир меъёрга кечмаганлигини кўрсатади. Хусусан, ўтган беш йил давомида иш билан банд бўлган аҳолининг сонининг ўсиш суръати Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхандарё, ва Хоразм вилоятларида республика ўртача кўрсаткичларидан юқори, қолган барча ҳудудларда эса паст бўлган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муоммоларини изчил ҳал этишга қаратилган банд аҳоли сони, 2.5 фоизга ўсди ва деярли 11.9 миллион кишига етди, иқтисодийнинг нодавлат секторидаги банд бўлган кишиларнинг улиши 79.4 фоизни ташкил, шунингдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандларнинг сони 74.2 фоизни ташкил этади. Бандликнинг энг юқори ўсиш суръати қурилишда (105.2 фоиз), уй-жой ва камунал хўжалигида ва аҳолига майиший хизмат кўрсатишда (105.1 фоиз), савдо ва умумовқатланишда (105.0), транспорт ва алоқа (104.4 фоиз) қайд этилди. Ушбу таҳлилларнинг умумлашган ҳолати қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

### 8-жадвал

#### Ўзбекистонда бандликка оид кўрсаткичлар динамикаси

Ҳудудлар	Йиллар					2013 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш	
	2007	2008	2009	2010	2013	+,-	Фоиз
Меҳнат ресурслари сони, минг киши	15219,6	15644,9	16123,6	16504,2	17309,8	2090,2	113,7
Иш билан банд аҳоли сони, минг киши	10735,4	11035,4	11328,1	11628,4	11919,1	1183,7	111,0
Иш билан таъминлашга муҳтож бўлган	563,8	567,7	631,5	628,2	622,4	58,6	110,4

аҳоли сони, минг киши							
Яратилган иш ўринлари сони, бирлик	-	660906	940532	950001	956247	295341*	144,6*

Манба. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигимаълумоти асосида тузилган \*2011-2008 йиллар.

аҳоли сони 2551,7 минг кишидан 2779.8 минг кишига ёки 8,9 фоизга ўсганини кўрсатади. Бундай тенденция республиканинг барча ҳудудларида ҳам кузатилади. Аҳоли бандлиги таркибида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланади. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизи давлат сетори ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунги кунга келиб мазкур секторда умумий иш билиан банд аҳолининг 20 фоизидан кўпроғи меҳнат қилмоқда.

Бандликнинг соҳалар бўйича таркиби ҳам ижобий тенденциялар кузатилди. Хусусан қишлоқ хўжалигида банд аҳолининг сони сезиларли даражада камайди. Агар 1991 йилда мазкур соҳада ишловчиларнинг сони жами иш билан банд бўлганларнинг 40 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу рақам 25 фоизга тушди. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш, транспорт ва қурилиш соҳаларида иш билин банд бўлганлар сони ўсиб 36 фоиздан 52 фоизга етди. Ушбу таҳлил натижасидан шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланиш суръатлари сезиларлидир, бу ривожланишнинг асоси жойларда инфратузилма субъектларининг самарали фаолият юритиш учун амалга оширилган ислохотлар ҳисобланади.

Кичик корхона ва фермер хўжаликларида иш банд аҳоли сони ҳам йил сайин ортиб, 2007 йилдаги 2090,4 кишидан 2013 йилда 2338,4 минг кишига ёки 11,6 фоизга кўпайди. Бу кўрсаткични республика ҳудудлари бўйича таҳлил қилиш бир меъёردа кечмаганини кўрсатади. Жумладан, ўтган беш йил давомида кичик корхона ва фермер, хўжаликларида иш билан банд аҳоли сонининг ўсиш суръати Тошкент шаҳри, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида республика ўртача кўрсаткичлардан юқори, қолган ҳудудларда эса паст бўлган. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган даврда мазкур соҳа иш билан банд бўлганлар сони Хоразм (9.0 фоиз), Наманган (4.3 фоиз) вилоятда камайган. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларида иш билан банд аҳоли ҳозирги кунда итисодий инфратузилма субъектларидан ташқари ижтимоий субъектларда ҳам сезиларли даражада фаолият юритмоқда ва уларнинг хизматларидан фойдаланмоқда. Ижтимоий инфратузилма таркиби аграр соҳада ишчи кучини тақдор ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган хизматлар: маориф ва маданий муассасалар, спорт, турар-жой ва коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва ҳимоя қилиш муассасалари, бочагача, мактабгача бўлга болалар муассасалари, умумовқатланиш корхоналари, савдо, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт, меҳнатни муофаза қилиш хизматлари, техника хавфсизлиги, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, соғломлаштириш муассасалари киради.

Ижтимоий инфратузилма – инсоннинг ҳар томонлама камол топиши ва унга еришиш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар йииндисидир. Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматчиларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини тақдор ҳосил қилиш учун, шунингдек қишлоқ аҳолисининг турли маиший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қилади. Ҳозирда маълумки, айнан қишлоқ хўжалигининг ўзида иш билан банд аҳоли сони камайиб бормоқда, бу яхши кўрсаткич ҳисобланади, агарда ишчилар иқтисодийнинг бошқа тармоқларида иш билан банд бўлсалар. Қишлоқ хўжалиги соҳасида аҳолининг иш билан таъминланганлик даражасини камайиши хўжаликларнинг механизациялашиш жараёни ижобийлиги билан баҳоланади ва ишда бўш аҳоли ўз навбатида шу ҳудудларда мавжуд хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектларида ўз меҳнат фаолиятини юритади. Бугунги кундаривожланган мамлакатларда аҳолининг аксарият қисми хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектларида фаолият юритмоқда.

Қишлоқ ҳудудларида аҳолини иш билан бандлигини ошириш дастурининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўринларининг 68 фоизидан кўпроғи қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектларида ташкил этилди. Янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектларида ташкил этилиши натижасида касб-хунар коллежлари битирувчилари ва аҳолининг иш билан банд бўлмаган аҳолининг бир қисми ўз иш ўринларига эга бўлди. Бу кўрсаткичлар қишлоқ ҳудудларининг ривожланиш жараёнини акс эттиради.

### 3. Инфратузилма субъектларида шартномавий муносабатлар ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226-сонли Фармонида мувофиқ қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш мақсадида хўжалик юритишнинг фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкилий-ҳуқуқий шаклларини сақлаб қолиш, истиқболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Мазкур фармонда белгилаб берилган йўналишларни амалга ошириш мақсадида кейинчалик қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида соҳанинг барча йўналишларида, жумладан шартномавий муносабатларда чуқур таркибий ўзгаришларамалга оширилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида хизмат кўрсатувчилар, таъминотчилар, маҳсулот сотиб олувчилар ва бошқа корхонлар ўртасида бўладиган муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжат шартнома ҳисобланади.

Шартноманинг мукамал, адолатли ҳар томон учун ўзаро фойда асосида тузилиши ва шу билан биргаликда томонлар ўз

хуқуқлари доирасида талаб қила олишлари ҳамда ўз мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари муҳим аҳамиятга эга. Амалдаги шартномаларни хуқуқий жиҳатдан тўғри тузиш учун қуйидаги хуқуқий меъёрий ҳужжатлар асос бўлади: Фуқаролик Кодекси ;

“Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонун ;

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида” ги қонун ;

“Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларининг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори (2003 йил 4 сентябр 383- сон)

Ҳозирда барча турдаги шартномавий муносабатлар юқорида келтирилган Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383- сонли қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасидаги шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ” асосида тартибга солинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 383- сонли қарорида қуйидагилар белгиланган:

-шартнома мажбуриятларини тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилот бажармаган тақдирда фермер хўжалиги хўжалик судига даъво аризасини

киритса давлат божи тўлашдан озод бўлади;

- худди шу ҳолатда фермер хўжалигининг манфаатларини кўзлаб туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан даъво аризаси билан мувожаз қилса ҳам давлат божи тўламайди.

1. Контракция шартномалари, шунингдек моддий- техника ресурсларини етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан тузулган шартномалар хўжаликларнинг бизнес-режаларида назарда тутилган ҳажмлардан келиб чиққан ҳолда, агротехника тадбирларини амалга оширишни бошлашдан бир ой олдин, лекин календар йил бошланишидан кечикмай тузилади.

2. Шартномалар тузишда томонлар тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган алоҳида намунавий шаклларга амал қилиши мумкин.

3. Шартномаларда қуйидагилар кўрсатилади:

- Шартноманинг мавзуси, махсулотнинг номи, ассортиментни, миқдори (ҳажми), сифати , нархи (турлар бўйича) ;

- шартноманинг умумий суммаси ;

- томонларнинг хуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари ;

- махсулотларни етказиб бериш тартиби ва шартлари, топшириш-қабул қилиб олиш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) пунктлари ва даврлари (муддатлари) ;

- идишга, маркировка қилишга, ўраш жойлашга қўйиладиган талаблар ;

- ҳисоб-китоб тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг тўлов, почта ва юклаб жўнатиш реквизитлари ;

- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг мулкий жавобгарлиги ;

- низоларни, форс-мажор ҳолатларни хал этиш тартиби, томонларнинг реквизитлари , шартнома тузилган сана ва жой.

Давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик махсулотлари ххарид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ҳамда хўжаликларни ихтиёрида қоладиган махсулотларнинг сорти ва миқдори ҳам кўрсатилади.

4. Шартномаларга, шунингдек, аниқ турдаги шартномалар учун ёки уларга нисбатан томонлардан бирининг аризасига кўра ёхуд қонунчиликка мувофиқ келишувга эришқилиши керак бўлган шартномалар учун назарда тутилган бошқа муҳим шартлар ҳам киритқилиши мумкин.

5. Шартномага қишлоқ хўжалик махсулотлари, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) муддатлари, миқдори ва ассортиментини белгилувчи иккала томоннинг имзоси билан тасдиқланган ҳамда шартноманинг таркибий қисми ҳисобланадиган жадвал илова қилинади.

6. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг бевосита жойлашган жойидаги тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари агротехника чора тадбирлари амалга оширишдан бир ой олдин шартнома тузиш учун хўжаликка ўзининг ваколатли вакилини юбориш керак

7. Хўжалик шартнома лойихаси тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти вакилидан олинган вақтдан бошлаб 7 кун мобайнида уни кўриб чиқиши ва эътирозлар бўлмаган тақдирда лойихани имзолаши тайёрловчига қайтариши шарт. Хўжаликда шартнома лойихаси шартлари бўйича эътирозлар пайдо бўлган тақдирда хўжалик юқорида кўрсатилган муддатларда келишмовчиликлар тўғрисида протокол тузади. Ва уни тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотига жўнатади, бу тўғрида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимни хабардор қилади.

8. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилоти келишмовчиликлар келишмовчиликлар тўғрисидаги протокол олинган вақтдан бошлаб 7 кун мобайнида уни (зарурат бўлганда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими вакили билан биргаликда) кўриб чиқиши ва унинг натижалари бўйича таклифларни шартнома лойихасига киритиши ёхуд хал этилмаган келишмовчиликларни худди шу муддатларда кўриб чиқиши учун тегишли хўжалик судига бериши шарт.

9. Келишмовчиликлар тўғрисидаги протокол қабул қилинмаганда ёки уни кўриб чичиш натижалари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилинмаганда хўжалик низоли кўриб чиқиши учун судга беришга ҳақлидир.

Бундан ташқари инфратузилма субъектлари ўртасида ўзаро шартномалар тузишда қуйидагиларга ҳам эътибор бериши керак.

Шартнома томонлардан ҳар бири ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими учун бир нусхадан тузилади. Шартноманинг барча нусхалари бир хил юридик кучга эга бўлади.

Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари хўжаликларни билан шартномаларнинг ўз вақтида тузқилиши учун жавоб беради.

Тузилган шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 3 кун мобайнида тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинади. Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилинган шартномаларнинг кўриб чиқиш туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан 3 иш кун мобайнида амалга

оширилади. Шартномаларни рўйхатдан ўтказишда қўшимча ҳужжатлар ёки тўлов талаб қилишга йўл қўйилмайди. Шартнома:

унинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан нарх бўйича тартибга солиниши керак бўлган махсулотлари (ишлар, хизматлар) нархларнинг ошириб юборқилиши юзасидан текширилади;

шартнома қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлган тақдирда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади. Шартноманинг барча нусхаларига рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида белги қўйилади, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходими томонидан имзоланади, имзо муҳр билан тасдиқланади.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ходимлари рўйхатдан ўтказишнинг тўғрилиги учун жавоб берадилар. Шартномада белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилади.

Асосланган ҳолда рад этиш аниқ сабаблар кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда расмийлаштирилади.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш рад этилган ҳолатларда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари шартнома қайта кўриб чиқилгандан кейин 3 кун муддатда уни такрор тақдим этишлари шарт.

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида шартномани рўйхатдан ўтказиш дафтари юритилади, уларда қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

- шартноманинг рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами;

- шартнома тузилган сана;

- шартнома рўйхатдан ўтказилган сана;

- шартноманинг томонлари;

- етказиб бериладиган махсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар (бажарилган ишлар) турлари ва миқдори (ҳажмлари);

- шартнома суммаси;

- рўйхатдан ўтказилган шартномани олган шахснинг имзоси ва сана.

Шартнома рўйхатдан ўтказилган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари шартнома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб икки кун муддатда хўжаликларга рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини жўнатишлари шарт.

Шартномани рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари бу ҳақда хўжаликни рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда рад этиш ҳужжатини олган кундан бошлаб 2 кун муддатда хабардор қилиши шарт.

Рўйхатдан ўтказилган шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар шартнома билан бўлган тартибда расмийлаштирилади ва улар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши шарт.

Фермер хўжаликлари ва инфратузилма субъектлари ўртасида тузилган шартноманинг томонларда ҳамда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимида қоладиган нусхалар томонлар шартнома мажбуриятларининг ҳаммасини бажарган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида сақланади.

## 9-жадвал

### Қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирувчилар ва тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш босқичлари

Босқичлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари	Масъуллар
1-босқич	Шартномалар тузишга тайёргарлик кўриш	Агротехника тадбирлари бошланишидан бир ой олдин	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
2-босқич	Шартномаларни кўриб чиқиш ва имзолаш	7 кун мобайнида	Қишлоқ хўжалиги корхоналари
3-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш учун бериш	3 кун мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
4-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказиш	Зиш куни мобайнида	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари
5-босқич	Шартномаларни рўйхатдан ўтказгандан кейин тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотларга бериш	Рўйхатдан ўтказилгандан кейин 1 кун мобайнида	Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари
6-босқич	Рўйхатдан ўтказилган шартномаларни хўжаликларга бериш	Рўйхатдан ўтказилгандан кейин 2 кун мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар
7-босқич	Шартномаларни сақлаш	Барча шартнома шартлари бажарилгандан кейин 3 йил мобайнида	Тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва бошқа ташкилотлар

Манба: Муаллифлар томонидан тузилган.

Айрим ҳолларда шартномаларни тузишда тўғри ёндошмаслик ҳамда унинг меъёрларига тўлиқ амал қилмаслик натижасида бир қатор муаммолар хўжалик субъектлари ўртасида келиб чиқиши кузатилмоқда. Шундай экан инфратузилма объектлари ўртасида ўзаро шартнома шартларига амал қилиб, ўз вақтида маъсулият билан шартнома муносабатларини амалга оширсалар ўзларининг иш фаолияти барқарор ривожлани учун замин бўлар эди. Хориж давлатларида шартномавий муносабатлар ва уларнинг илғор тажрибаларини Ўзбекистонда жорий қилишнинг аҳамияти ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги тармоғини самарали фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожлантириш учун қишлоқда ҳақиқий мулкка эгалликни таъминлаш ёки ерга бўлган хусусий мулкчиликни ҳуқуқий

асосларини қабул қилиш бир вақтда инновация янгиликларини амалиётга жорий қилиш ва инфратузилма субъектларини ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида алоҳида эътибор берилган.

Инфратузилма субъектларини ривожлантиришда улар ўртасидаги ўзаро шартномавий муносабатларга алоҳида эътибор қаратиш зарурки, натажада ҳар бир тизилган шартномаларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлақонли амалда ўз аксини топиши зарур.

Кейинги йилларда республикамизда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиб шартнома шартларини томонлар ўз вақтида бажарилиши, бажарилмаган ҳар бир шартнома хўжалик суди томонидан кўриб чиқилиши тегишли чоралар кўрилиши қатъий белгиланиб, уларнинг ижроси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлимлари томонидан назорат қилинмоқда.

Қишлоқ ҳудудларида ишлаб чиқариш, ижтимоий, бозор ва бошқа инфратузилма фаолиятини мониторинг масаласи шу давргача кенг ўрганилган. Ҳудудларга инфратузилма ривожланишини ўрганиш борасида амалга ошириладиган мониторинг тизими 3-расмда акс эттирилган.

### 3-расм

#### Ҳудудларда инфратузилмаси фаолиятининг мониторинги амалга ошириш тизими бошқичлари.

**1-бошқич.** Ҳудудларда инфратузилма субъектлари ҳолатини таҳлил қилиш

**2-бошқич.** Натижаларни умумлаштириш асосида ҳудудларда инфратузилма субъектларини ривожланишини бошқариш самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини танлаш

**3-бошқич.** Ҳудудларни инфратузилма субъектларини ривожланишида ички минтақавий мутаносибликни қиёсий баҳолаш услубини ишлаб чиқиш.

**4-бошқич.** Ҳудуд аҳолиси турмуш сифатининг меҳнатга лаёқатли аҳоли миграцияси таъсирининг корреляцион-регрессион моделини ишлаб чиқиш

**5-бошқич.** Яратилган модел асосида ҳудуд ижтимоий инфратузилмаси ривожланишини бошқариш самарадорлигини баҳолаш

**6-бошқич.** Ҳудудларда инфратузилма субъектларини ривожланишини инновацион бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш

**7-бошқич.** Тадбирлар бажарилиши устидан назорат ва мониторинг олиб бориш

**8-бошқич.** Тадбирлар бажарилишини мотивлаштириш ва тартибга солиш

Манба. Муаллифнинг тадқиқотлари натижасида ишлаб чиқилган.

Юқорида келтирилган 10-жадвалда инфратузилма субъектлари (муқобил МТП, СИУ, ЁММ, Минерал ўғит сотиш шохобчаси, минибанклар, зотли моллар сотиш ва зооветеринария шохобчаси, консалтинг ва маркетинг сотиш шохобчаси, транспорт хизматини кўрсатиш корхоналари, тара-идиш тайёрлаш ва қадоқлаш шахобчаларидаги шартномавий муносабатларнинг 2013 йилги ҳолати акс этган.

### 10-жадвал

#### Инфратузилма субъектларида шартномавий муносабатлар тўғрисида маълумоти (2014 йиллар 1 январь ҳолатига)

Т/р	Хўжалик субъектлари номи	Жами сони	Тузилган шартномалар		Ҳақиқатда кўрсатилган хизмат		Ундирилган сумма (млн. сўм)
			сони (дона)	суммаси (млн. сўм)	сони (дона)	суммаси (млн. сўм)	
1	2	3	5	6	7	8	9
1	ММТП	1681	29752	76107	20755	63722,0	51387
2	СИУ	1487	56347	43350,1	40766	33480	19748

3	ЁММ	1366	42308	426905	301345	41731	30685
4	Минерал ўғит сотиш шахобчалари	917	45167	556200	48387	544299	4909
5	Мини банклар	1462	60530	-	43361	176994	-
6	Зотли моллар сотиш ва зооветеринария	2596	3347120	7833.6	3347120	7986	378
7	Кансалтинг ва маркетинг шохобчаси	318	3997	355.8	3867	342.9	337.
8	Сотиш шахобчалари	420	4747	12795.1	2622	6190.9	3945
9	Транспорт хизмати шохобчаси	85	1587	1493.1	510	511.1	405.
10	Тара идиш таёрлаш ва қадоқлаш шохобчаси	78	457	268,9	285	121,9	114,
	<b>Жами</b>	<b>10410</b>	<b>3592012</b>	<b>1125308.4</b>	<b>3809018</b>	<b>875378.8</b>	<b>271663</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумоти асосида

Масалан, муқобил МТПнинг республика миқёсидаги сони 1681 тани ташкилётган бўлса, уларда мавжуд техникалар сони 37208 тани ташкил этган ҳолда 2014 йил 1 январь ҳолатига тузилган шартномалар сони 29752 тани ташкил этиб, ушбу шартномаларнинг умумий қиймати 76 млрд 107 миллион сўмни ташкил қилди.

Бу кўрсаткичнинг ҳақиқатда бажарилган шартномалар сони 20755 тани ташкил этган ҳолда қиймати 63722 миллион сўмга етди ва натижа шуни кўрсатадики, тузилган шартномалардан 8997 таси ҳақиқатда бажарилмаган. Бу ўз навбатида 12385 миллион сўмлик хизмат амалга оширилмаган. Шартноманинг ҳақиқатда бажарилган қисмига ундирилган ҳақ 51387.5 миллионни ташкил этиши натижасида томонларнинг ўртасида 12334.5 миллион сўмлик дебиторлик-кредиторлик қарзлар юзага келди.

Юқоридаги таҳлил шуни кўрсатадики, муқобил МТПларнинг келгусидаги шартномаларни тузишда уларнинг бажарилиши томонлар ўртасида шубҳада қолади. Қишлоқ хўжалигининг самарали фаолият юритиш ҳозирги кунда минерал ўғит сотиш шахобчаларисиз тасаввур этиш анча қийин. Ушбу субъектнинг 2012 йил 1 январдаги тузган шартномалари қиймати 43350 миллион сўмни ташкил этган ҳолда ҳақиқатда бажарилган шартномалар қиймати 33480 миллион сўмни ташкил этди, ўртадаги тафовут 9870.1 миллион сўмни ташкил қилди, бажарилган хизматлар учун ундирилган 19748.5 миллион сўм 69 фоизни ташкил этди.

## II-боб бўйича хулоса

Қишлоқда инфратузилма субъектларини ривожлантириш асосан бу соҳада ишлаш кадрлар тайёрлаш ва улар касбий тайёргарлик даражасини ошириш билан боғлиқ. Шуни ҳисобга олган ҳолда вилоятларида мавжуд олий ўқув юртлари ҳамда бошқа ўқув тизимларида инвестицион лойиҳаларни тузиш, мулкни баҳолаш, брокерлик, корхона менежери, маркетинг соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта ўқитишни кенгайтириш зарур.

Қишлоқ ҳудудларидаги итисодий-ижтимоий ислохатларни ўтказиш натижаси шу жойлардаги инфратузилма субъектларини ривожлантириш асосида аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашдир. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришдан асосий кўзланган мақсад шуки, малакатимиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойларда яшайди ва ушбу инфратузилма субъектларда ишлайдилар. Инфратузилма субъектларини ривожлантиришда биринчидан улар ўз фаолиятларини мустақкам йўлга қўйишлари учун зурур бўлган ижтимоий-иқтисодий ислохатларни жорий этиш, ҳамда унинг ижросини мумтазам назорат қилиш зарур. Инфратузилма субъектларини ривожлантиришда юқорида келтирилган ислохатлар давлатимиз мустақиллика эришган кундан бошлаб алоҳида эътибор қаратилмода. Бунинг натижасида ўтган йилларда давомидида қишлоқ ҳудудларидаги мавжуд инфратузилма субъектларининг сонида, сифатида ижобий ўзгаришга эришилди бу ўз навбатида аҳолининг яшаш шароитларини яхшилабгина қолмай корхоналарнинг ўз фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашмоқда.

Қишлоқ ҳудудларида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш жамия ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади ва у мамлакат иқтисодийётада алоҳида аҳамиятга эга. Қишлоқ ҳудудларида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сфатида жойларда инфратузилма субъектларини ривожлантирилиши рағбатлантириш, асосида янада ривожлантириш бўйича ҳозирги кунда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда қишлоқ ҳудудларида аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар қуйидагилардан иборат:

аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозорида рақобатдош касаб-хунарга ўқитиш;

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта жихозлаш, айниқса ўзгартириш ва диверсификация масалаларига эътибор кучайтириш. Бу янги ўринларни яратиш билан бар қаторда ички ва ташқи истъеомолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ҳам кўзда тутати;

иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало ушбу марказлар тузилмасини муқбуллаштириш, глобал инқириз шароитида устувор чора-тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларини талаб этади.

Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларининг ривожланиши банкларнинг самарали фаолиятига кўрсатишига ҳам боғлиқ. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш мақсадида

қишлоқ ҳудудларида мини-банклар сони 2007 йилда 895 тани ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2013 йилгача 567 тага ошиши натижасида 1462 тани ташкил этди, натижада аҳолига ва хўжаликларга хизмат кўрсатиш даражаси 63 фоизга ошди ва миқдорларнинг банкларга бўлган ишончи бирмунча яхшиланди.

### **III-боб. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантириштиқболлари**

#### **1. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантириш йўналишлари**

Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

аҳолининг ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма хизматларига бўлган реал талабларини ҳисобга олиш;

инфратузилма хизматлари нархларининг истемолчилар учун маъқул бўлишига эришиш (лозим бўлганда давлатнинг иқтисодий дастаклар орқали аралашувини жорий этиш ва рақобатни ривожлантириш орқали);

инфратузилма субъектлари фаолиятини тартибга солиб туриш йўллари топиш;

инфратузилма хизматлари бозорида рақобатни кучайтириш, монополияга йўл қўймаслик;

Қишлоқ ҳудудлари инфратузилмасини кескин ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бугунги кун заруратидир. Бунда инфратузилма субъектларини қуйдаги йўналишларда ривожлантирилиши мақсадга мувофиқ:

Қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатадиган субъектларни ва хизматларнинг турларини кўпайтириш. Ҳозирда мамлакат қишлоқ хўжалигида ўзига зарур бир қанча хизматларни тўлиқлигича ва сифатли даражада бажараолмаяпти. Масалан, уларга зарур банк, молия бозоридаги ўзгаришлар, турли шароитларда керакли қонуний ва иқтисодий маспаҳатлар билан таъминланиш даражаси паст ҳолатда. Бу мисоллар қишлоқ хўжалиги учун зарур хизматларнинг бир кичик қисмидир. Шу сабабли ишлаб чиқариш инфратузилмасининг хизмат турларини кўпайтириш лозим;

Хизмат бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш қишлоқ ҳудудларида инфратузилмасини ривожлантиришнинг бошқа бир йўналишидир. Бу энг катта аҳамиятга эга йўналишлардан биридир. Рақобатнинг бўлмаслиги кўрсатилётган хизматлар нархнинг юқори бўлишини таъминмоқда. Кўрсатилаётган хизматларнинг сифатининг пастлиги ҳам рақобат йўқлигидан ёки унинг деярли йўқлигидандир. Масалан, ҳозирда юртимизда 1681 та муқобил машина – трактор парклари мавжуд. Лекин уларнинг техник имкониятлари жуда паст бўлганлиги сабабли, қишлоқ хўжалиги корхоналари асосан уларнинг хизматларидан фойдаланишга хоҳишлари йўқ бунга яна бир сабаб уларнинг хизмат нархлари юқорилигидандир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида катта имкониятлар хўжаликларнинг ўзлари томонидан биргаликда ташкил этиладиган “иттифоқ”лардадир. Масалан, техникадан биргаликда фойдаланиш иттифоқларини ташкил этиш масаласи натижалар бериши мумкинлигига қармасдан бу соҳа ривожланган эмас. Бунга асосий сабаб хўжаликларни бошқараётган раҳбарларда бундай ишларга тажриба, билим йўқлигидандир. Агарда иттифоқ тузилган ҳолда ҳам уни ташкил этган барча хўжаликлар учун ундаги техникадан самарали фойдаланиш бўйича манфаатли тартиб – қоидалар ишлаб чиқилмаган. Демак, бу борадаги ишларни ривожлантириш зарур.

Қишлоқ ҳудудларида инфратузилмасининг шаклланиши, унинг таркиби, ривожланганлик даражаси жуда кўп омилларга боғлиқ. Жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарининг ихтисослашганлиги, ерларнинг рельефи, шаҳарлардан узоқ ёки яқин жойлашганлиги, йирик транспорт узелларига яқинлиги ёки узоқлиги ва бошқалар инфратузилманинг субъектларининг қандай ташкил топиши, унинг ривожланганлик даражаси қандай бўлиши лозимлигини белгилайди. Масалан, аҳоли эҳтиёжини қондиришда хизматлар, иш керак ёки жуда кам миқдорда керак. Бундай ҳолларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишлаб чиқаришдаги фаолиятига кўмаклашувчи инфратузилмаларидан ташқари ҳар хил инфратузилма субъектлари керак бўлади. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришда ҳудуднинг ўзга хос хусусиятларини эътиборга олиш зарур, бу ҳам қишлоқда инфратузилма субъектларининг ривожлантиришнинг зарур йўналишларидан бири ҳисобланади.

Республикада қишлоқ ҳудудларидаги мавжуд инфратузилмани субъектларини ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Республикада қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган иқтисодий ночор ва норентабелли инфратузилма субъектларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори қишлоқ хўжалиги корхоналари учун инфратузилмани ривожлантиришнинг йўналишларини белгилаб берди.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектларини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар «Фуқаролик кодекси», «Солиқ кодекси», «Банклар ва банклар иши тўғрисида», ва бошқа қонунлар ҳамда қонун ости меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солинади. Қишлоқ хўжалигида инфратузилма субъектларини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2003 йил 24 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3226-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларни бажариши учун тамонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 383-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида ислох қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-255-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги 325-сонли қарори; Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чор-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 декабрдаги «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора –тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида 254-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 апрелдаги « Қишлоқ хўжалиги машинисозлигини модернизациялаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 247-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 14 ноябрдаги «2009 йилда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва сотишининг асосий параметрлари тўғрисида» ПҚ 1041-сонли қарори; Ушбу қонун, фармонлар, ва қарорларни ижроси таъминлаш орқали қишлоқ хўжалиги корхоналар фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилади ҳамда шу асосда қишлоқда хўжалиқларининг ҳамда аҳолининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси жадал ривожлантирилади. Бугунги кунда Муқобил машина трактор парклари (ММТП), Сув истеъмолчилари уюмлари (СИУ), ва бошқа хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар нодавлат нотижорат ташкилот сифатида, ЁММ ва менирал ўғит сотиш шахобчалари ва Мини банклар эса тегишли ташкилотлар шахобчалари сифатида фаолият юритмоқда. Зооветеранария хизматлари, ахборот кансалтинг ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш шахобчалари эса алоҳида юридик мақомни олган ҳолда фаолият кўрсатиб фермер хўжалиқларига яқиндан ёрдам бериб келинмоқда. Бундан асосий кўзланган мақсад инфратузилма субъектларини ривожлантириш ҳисобланади. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун, биринчи навбатда, давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш ҳажмларини белгилаш ва назорат қилиш бўйича ваколат ва вазифаларини функцияларини бозорга асосланган, қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ривожлантириш учун тегишли шароитлар яратиш ва тармоқни қўллаб-қувватлашга қаратишлари лозим. Улар фермер хўжалиқларида етиштирилган барча турдаги маҳсулотларни товар хом-ашё биржалари, уларнинг жойлардаги филиаллари ва брокерлик идоралари ҳамда ташкил этилган доимий қишлоқчи улгуржи-савдо ярмаркалари орқали эркин сотиши мконини яратишлари зарур. Республикамизда қишлоқ хўжалигида инфратузилма субъектларини шакллантириш ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш билан боғлиқ жараёнларда давлат томонидан бозор муносабатларига мос ва қишлоқ ҳудудларидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириш зарур бунда жумладан:

Инфратузилма субъектларини ташкил этишда уларнинг юқори самара берадиган ва фаолият кўрсатиши зарурияти мавжуд бўлган жойларда шакллантириш зарур;

Барча субъектлар учун мақбул ҳудудий жойлашув, тармоқ тузилишидан қатъий назар барча субъектларга хизмат кўрсатишни таъминлаш зарур;

Белгиланган муддатларда шартномалар бўйича қабул қилинган топшириқларни бажариш борасидаги ишончни тўла шакллантириш зарур;

Мавжуд субъектларни самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида иқтисодий рағбатлантириш усуллари, жумладан имтиёзли кредитлар, солиқлар ва бошқа иқтисодий механизмлар жорий этииш зарур.

Аммо, шу билан биргаликда:

Турли даражада истеъмол маҳсулотлари бўйича талабни кучайиши ва таклифни чекланганлиги шароитида муайян нобарқарорликни юзага келиш хавфининг олдини олиш;

Инфратузилманинг субъектлари фаолиятида ихтисослашув ва меҳнат тақсимоли ҳисобига эришиладиган самарадорлик даражасининг пастлигини ҳисобга олган ҳолда уни бартараф этиш чорларини кўриш зарур;

Инфратузилма субъектларини ўз даромадлари доирасида фаолият юргизиши имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўз-ўзини маблағ билан таъминлаши учун зарур бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Инфратузилма субъектларининг ихтисослашуви ва улар ўртасида ўзаро рақобатнинг шакллантириш ҳамда монополия ривожланишига барҳам бериш ҳисобига уларнинг фаолиятида давлат тамонидан атрофлича назоратни ўрнатиш зарур.

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатувчи муқобил МТПлар ва СФУлар турли муддатга (3 йилгача) тегишли солиқ (даромад солиғи, мулк солиғи, қўшимча қиймат солиғи, ер солиғи) тўловларидан озод этилди.
2. Республикамиз пойтахтида ва вилоятлар марказида ҳар йили ўтказиладиган кўргазмаларда фермер хўжалиқлари ва инфратузилма объектлари томонидан шартнома асосида харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги техникалари ва минитехнологиялар қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловларидан озод этилган.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 мартдаги 304-сонли қарорига асосан хориждан харид қилиниб, республикамизга олиб келтирилаётган чет эл техникалари қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловларидан, шунингдек чет эл техникаларининг эҳтиёт қисмлари ҳам қўшилган қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 мартдаги 308-сонли қарорига хориждан ўзаро шартнома асосида харид қилинган зотли ва насли қорамоллар қўшимча қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.
6. Ташкил этилган Агрофирмалар тегишли солиқлардан, жумладан даромад (фойда) солиғи, ер солиғи, мулк солиғи ва ҚҚС дан 3 йил муддатга озод этилган.
7. Агрофирмалар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар сони қисқартирилди ва уларни расмийлаштириш ишлари соддалаштирилди.
8. Инфратузилма объектларининг молиявий фаолияти юзасидан асоссиз равишда текширишлар ўтказиш қонун ҳужжатлари билан таъқиқлаб қўйилган.
9. Фермер хўжалиги давлат руйхатидан ўтгандан сўнг 6 ой ичида дастлабки (бошланғич) сармояни олиши мумкин. Бошланғич сармоя учун кредит фермер хўжалиқларига 3 йилгача бўлган муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300

баравари миқдоригача, фойзлар тўлашни 12 ойгача кечиктириш ва асосий қарзни кредит олингандан сўнг 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида берилади.

10. Фермер хўжаликлари техника воситаларини лизинг асосида харид қилиши, бунинг учун техниканинг бошланғич нархинининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 7 йил муддат ичида (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларининг фермер хўжаликлари 10 йил муддатгача) тўлаши мумкин. Бунда фермер техниканинг 85 фоиз қийматида «Ўзагросуғурта» компанияси билан суғурта шартномасини тузади. Суғурта мукофотлари ҳисоблаш учун суғурта тариф (ставка) миқдори техниканинг 85 фоиз қийматидан бир йилга 0,5 фоизни ташкил қилади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда чорвачилик тармоғида инфратузилма объектларини ривожлантиришга Хукумат даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳага хизмат кўрсатишга ихтисослашган инфратузилма объектларини нафақат янгидан ташкил этиш, балки олдиндан фаолият кўрсатиб келаётган шохобчаларни замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлаш ишларига ҳомийлар ва тижорат банкларининг йирк миқдордаги кредитлари жалб қилинмоқда.

Республикаимиз деҳқон ва фермер хўжаликлариغا механизация хизматларини кўрсатиш мақсадида Муқобил машина-трактор парклари ташкил қилинган. Утган вақт ичида улар томонидан фермер хўжаликларида шартнома асосида турли йўналишда механизация хизматлари бажарилиб келинмоқда.

Аммо, кўрсатилган хизматлар учун муқобил машина-трактор паркларига фермер хўжаликлари томонидан тўловларни ўз вақтида амалга оширилмаслиги, балансидаги техника воситаларининг катта қисми эскирганлиги ва уларни янгилаш учун молиявий маблағларнинг етишмаслиги, корхоналарда кадрлар кўнимсизлиги ва бошқа сабаблар туфайли кўпчилик муқобил машина-трактор паркларининг молиявий ҳолати ёмонлашиб, уларнинг айримларида банкротлик ҳолати юзага келмоқда.

Муқобил машина - трактор паркларини самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, уларнинг моддий - техника базасини мустаҳкамлаш ва молиявий аҳволини яхшилаш тадбирларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш, қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларида механизация ишларини бажариш ва хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш ҳамда сифатини ошириш, соҳада бозор тамойилларини ривожлантириш ва ўзаро рақобат муҳитини яратиш мақсадида махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, Қишлоқ ва сув хўжалигига тақдим қилинди.

Ушбу тақлифларимизда:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзагромашсервис” уюшмаси, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари биргаликда самарасиз фаолият кўрсатаётган муқобил машина-трактор паркларини ихтисослик йўналишини ўзгартирмаслик ва инвестиция киритиш мажбуриятини кафолатлаган ҳолда хусусий мулк сифатида сотишлари зарур. Бунда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси, Адлия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда самарасиз фаолият кўрсатаётган муқобил машина-трактор паркларини адолатли ва ҳаққоний равишда хусусийлаштирилишини таъминлашлари зарур.

2. Қолган муқобил машина-трактор парклари ва сервис марказларини самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар Дастурини ижро учун қабул қилишлари кўрсатилган.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги биргаликда самарасиз фаолият кўрсатаётган муқобил машина-трактор паркларини ихтисослик йўналишини ўзгартирмаслик ва инвестиция киритиш мажбуриятини кафолатлаган ҳолда хусусий мулк сифатида сотиш тартибини ишлаб чиқишлари ва бу тартиб белгиланган тартибда давлат давлат руйхатидан ўтказилиши зарур.

4. Муқобил машина-трактор паркларини келгусида самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, улар фаолияти устидан доимий мониторинг олиб бориш мақсадида улар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан фаолияти мувофиқлаштириладиган корхоналар руйхатига киритилиши зарур.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси ва Адлия вазирлиги

хусусий мулк сифатида сотилган муқобил машина - трактор паркининг мақомини;

муқобил машина - трактор паркларининг таъсисчиси ҳисобланган фермер хўжаликларида уларнинг таъсисчи сифатида қўшган мол-мулки қийматини белгиловчи ҳужжат - сертификат намунасини;

муқобил машина - трактор парклари ихтиёридаги мол-мулклар қиймати ҳар йили қайта баҳоланганидан сўнг таъсисчиларнинг қўшган мол - мулки қийматини тақдим этилган сертификатларда акс эттириб бориш механизминини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқлашлари зарур.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда фаолият кўрсатиб келаётган муқобил машина-трактор паркларининг таъсисчилари қўшган мол - мулкни белгиловчи сертификат билан расмийлаштирилиши шарт.

Муқобил машина – трактор парклари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун ўз вақтида ҳақ олиншини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича Жамғармаси давлат эҳтиёжи бўйича харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини молиялаштиришда Муқобил машина-трактор парклари хизмати учун тўлиқ маблағ ажратилишини таъминлаши;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тегишли тижорат банклари Муқобил машина-трактор паркларидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган техника воситаларини янгилаб бориш учун ҳар йили мақсадли, имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш бориши зарур.

Ушбу тақлифларни амалга ошириш учун бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда муқобил машина-трактор паркларининг моддий - техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида замонавий техникалар сотиб олиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқишлари ва уни белгиланган тартибда тасдиқлашлари талаб этилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тегишли тижорат банклари жойларда муқобил машина-трактор паркларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва улардан фойдаланишнинг самарадорлиги юзасидан мунтазам мониторинг юритиб боришлари мақсадга мувофиқ.

## 2. Инфратузилма субъектларида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш

Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятни оширишга сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтиш даври иқтисодиётида инфратузилма субъектларининг шаклланиши ва ривожланиши ўзига хос шарт-шароитлари, омиллари ва хусусиятларига эга. Ривожланган мамлакатларда инфратузилма шаҳобчаларини самарали фаолият кўрсатиши бир неча ўн йилликлар давомида вужудга келган.

Республикамизга хос миллий йўлимиз тажрибаси шуни кўрсатадики, инфратузилма субъектларининг фаолияти бошқа мамлакатлардаги тажрибаларга ўхшаш бўлсада, уларни ташкил этиш ва фаолият йўналишлари амалга оширилаётган иқтисодий ислохот хусусиятларига мос келади. Иқтисодиёт тараққий этган сари эркинлаштириш жараёнининг чуқурлашуви инфратузилма субъектларининг аҳамиятини янада ошириб, улар ўртасида рақобат муҳитини шакллантирмоқда.

Ўтган 20 йил ичида Ўзбекистонда инфратузилма субъектлари асосан шакллантириб бўлинди, уларнинг ҳуқуқий-институционал асослари яратилди ва уларнинг фаолият йўналишлари бозор талабларига мослаштирилмоқда. Янгидан ташкил этилаётган инфратузилма субъектлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан фермер хўжаликларига айланттирилган ширкат хўжаликлари негизида фаолият кўрсатмоқда. Инфратузилма субъектлари нафақат янгидан пайдо бўлаётган фермер хўжаликлари сонига қараб, балки жойларда олдиндан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжаликлари, уларнинг туман марказларига узоқ-яқинлиги, хизмат турларига талабнинг юқорилиги ва бошқа кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, умуман қаерда хизмат турларига талаб ортган жойда кўпроқ ташкил этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз амалга оширилишида-деҳқон, фермер ва ширкат хўжаликлари бевосита иштирок этадилар. Улар эса билвосита бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси субъектлари хизматидан фойдаланадилар. Бу жараён улар ўртасида ўрнатиладиган муносабатлар иқтисодий-ҳуқуқий асослари қай даражада бозор тамойилларига мос келишига боғлиқ бўлади. Шу асосда қишлоқ хўжалиги корхоналари ва инфратузилма субъектлари билан боғлиқ бўлган муносабатлар тартибга солинади

Қишлоқ хўжалигида асосий товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар: ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларининг фаолиятини бозор муносабатларисиз, бозорнинг бошқа субъектлари билан ўзаро алоқалар ва муносабатлар ўрнатмасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди. Бу хўжалик юритиш шакллари бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси субъектлари билан юқоридаги механизм орқали ўзаро иқтисодий муносабатда бўлади.

### 4-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилари ва инфратузилма субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатлар тизими.

Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Т/р	Худудлар	дебитор қарзлари				кредитор қарзлари	
		2010 йил 1 январь холатига дебитор қарздорлик	2011 йил 1 январь холатига дебитор қарздорлик	2014 йил 1 январь холатига дебитор қарздорлик	2014 йилда 2010 йилга нисбатан фарқи (+,-)	2010 йил 1 январь холатига кредитор қарздорлик	2011 йил 1 январь холатига кредитор қарздорлик
1	Қорқолпоғистон Р	57589	69195	70739	-13150	3745	2291
2	Андижон	37459	34576	32308	-42616	4651	3853
3	Бухоро	16972	12695	6655	-10317	9942	9656
4	Жиззах	104235	92191	83310	-20925	2641	4741
5	Қашқадарё	48089	54115	43819	-4267	10145	10242
6	Навоий	9413	7864	2858	-6555	3817	1738
7	Наманган	56322	57770	49745	-6577	2530	3822
8	Самарқанд	49725	52841	52875	-3150	3987	5186
9	Сурхондарё	28656	29219	31937	3281	7060	7512
10	Сирдарё	11563	110871	89334	-26520	2141	2427
11	Тошкент	40602	46555	43983	3381	5043	4271
12	Фарғона	60048	70504	58939	-1100	3969	3294
13	Хоразм	28605	25122	20164	-8441	5974	3232
	<b>Республика бўйича</b>	<b>653575</b>	<b>663517</b>	<b>586666</b>	<b>-66909</b>	<b>65646</b>	<b>62265</b>

### 11-жадвал

“Ўзнефтмаҳсулот” компанияси, “Ўзкимёсаноат” компанияси, “Ўзағромашсервис” уюшмаси ва “Ўзбекэнерго” компаниялари тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналаридан дебиторлик ва кредиторлик қарзлари маълумот

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумоти асосида  
Қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектларида иқтисодий муносабатларнинг 2010-2014 йил 1 январь ҳолатига кўра  
“Ўзнефтмахсулот” компанияси, “Ўзкимёсаноат” компанияси, “Ўзагромашсервис” уюшмаси ва “Ўзбекэнерго” компаниялари  
тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари билан ўзаро иқтисодий  
муносабатлари натижасида юзага келган дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг шаклланиши юқоридаги 11-жадвалда  
акс этган. Ушбу жадвалда келтирилган маълумотларнинг қисқа таҳлил натижасида томонлар ўртасида тузилган шартнома  
асосан томонларнинг ўтган йиллардаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг миқдори, уларнинг йиллар давомида  
ўсиши ёки пасайиш ҳолига баҳо бериш мумкин.

Биргина кампаниялар тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалик  
корхоналаридан бўлган дебиторлик қарзи 653575 миллион сўмни ташкил этган бўлсабу кўрсаткич 2011 йилда 663517  
миллион сўмни ташкил этди ва сўнги йилга келиб бу кўрсаткич 2010 йилги кўрсаткичдан 66909 миллион сўмга кам, яъни  
586666 миллион сўмни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 11 фойизга камдир. Албатта, бу кўрсаткич ўтган йилларга  
нисбатан яхши. Бундан шу нарса маълумки, пахта ва ғалла етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари ўзларининг  
кредитор қарз мажбуриятларини бажаришида бирмунча фаолашганини англатади ва бу сўнги йилларда қишлоқ  
хўжалигида мавжуд инфратузилма субъектларини иқтисодий ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ислохотлар  
натижаси ҳисобланади.

Тадқиқот ишларимиз натижаларига кўра, барча турдаги инфратузилма субъектларини самарали фаолият кўрсатишининг  
**ташкилий механизми** – турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида тенг ҳуқуқ ва мустақил фаолият кўрсатиш  
эркинлигининг яратилганлиги, малакали кадрлар билан таъминланганлиги, махсус техника, бино ва иншоотлар, зарур  
инвентарлар, буюмлар ҳамда алоқа-коммуникация воситалари билан таъминланиши каби йўналишларни ўз ичига олар  
қилар экан.

**Иқтисодий механизмлар** - барча мижозларга пуллик тўлов орқали хизмат кўрсатиш, ўз-ўзининг харажатларини қоплаш  
ва молиялаштиришни ташкил қилиш, сифатли ва ўз муддатида хизмат кўрсатиш асосида мижозлар талабини қондириш  
ва муайян даромад олиш ҳисобланади.

**Ҳуқуқий механизмлар** - ўз мижозларига шартнома асосида хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш сифатини кафолатлаш  
омилларидан иборат.

Юқорида таъкидланганидек, инфратузилма субъектларини самарали фаолият кўрсатишининг ушбу механизмларига доир  
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, барча инфратузилма субъектлари ушбу механизмлар орқали ўз  
мижозларига хизмат кўрсатмоқдалар.

Монографик тадқиқотларга кўра, инфратузилма субъектларининг ташкилий механизмларига тегишли омиллар  
таъминланмаслиги натижасида бу турдаги инфратузилма субъектлари ўз мижозлари билан шартнома асосида иш юрита  
олмайдилар ва пировард натижада муайян даромад олиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар. Бундан ташқари, амалиётда  
ҳуқуқий механизмга тегишли омил – шартномавий муносабатларга ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ амал қилинмаслиги иқтисодий  
механизмларга тегишли омилларга салбий таъсир кўрсатади.

Демак, баъзи бир омилларда салбий ҳолатларни юзага келиши пировард натижада бошқа механизмларнинг ҳам асосий  
омилларини самарасиз фаолият кўрсатишларига сабаб бўлмоқда. Масалан, алоҳида бир ҳудудда пахта хом ашёсини  
етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларини нисбатан паст ёки ўрта фойдалилик даражасида фаолият кўрсатиши  
ўша ҳудудда фермер хўжаликларига хизмат қилаётган инфратузилма субъектларини ҳам паст ёки ўрта даражада фаолият  
кўрсатишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, кўплаб туманларда бозор инфратузилмасининг консалтинг хизмати субъектларини малакали кадрлар,  
махсус алоқа воситалари билан таъминланмаслиги натижасида улар паст самарада фаолият кўрсатиб, фермер  
хўжаликларининг баъзи бир соҳаларига тегишли амалий маслаҳатлар бера олмаслик ёки маълумотлар билан  
таъминланмаслигига сабаб бўлмоқда. Баъзи туманларда бундай турдаги корхонанинг фаолият кўрсатишини кўплаб  
фермер хўжаликлари билмайдилар. Ушбу ҳолат ҳам пировард натижада фермер хўжаликларининг барқарор иқтисодий  
ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқариш инфратузилма субъектига кирадиган қишлоқ хўжалиги  
махсулотларини тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида олиб борилади.  
Шартнома муносабатларини ташкил этишда руй бераётган камчиликларнинг аксарияти фермерларда ҳуқуқий билимнинг  
етишмаслиги, тармоқ раҳбарлари ва ҳодимларининг лоқайдлиги, ўз ишига совуққонлик билан ёндошиши оқибатида содир  
этилмоқда. Айниқса, деҳқон, фермер ва қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари раҳбарларини шартномалар  
тўғрисида етарли билимга эга эмаслиги, шартноманинг аҳамиятини тўла англаб етмаслиги, уларнинг бошқа хўжалик  
юритувчи субъектлар, хусусан, шартномалар тузиш тажрибаси ва ўз юридик хизматида эга бўлган турли хил тайёрловчи,  
таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда иқтисодий қийинчиликлар туғдирмоқда.  
Кўплаб шартномалар ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқчилик, жавобгарлик ва мажбуриятлар белгиланмасдан, юзаки ва сифатсиз  
расмийлаштирилишидан ташқари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг манфаатларига зид равишда тузилиш ҳолатлари  
ҳам учрайди.

Шартномаларда маҳсулот ишлаб чиқарувчининг мажбуриятларига алоҳида эътибор қаратилиб, тайёрловчининг (сотиб  
олувчи) мажбуриятларини бажарилиши охириги ўринда қолмоқда.

Таъминот ёки хизмат кўрсатиш каби инфратузилма субъектлари томонидан фермер хўжаликларига хизматлар шартнома  
асосида кўрсатилади, аммо фермер хўжаликларида ва инфратузилма субъектларида бу шартномаларни бажариш  
даражаси айрим ҳолатларда нисбатан паст ёки етарли молиявий маблағ билан таъминланмаган. Шартнома

мажбуриятларини бажарилмаслигига эса асосан томонларнинг жавобгарлиги ва маъсулиятини ҳуқуқий белгиланмаганлиги, амалдаги ўзаро ҳисоб-китоб механизмидаги камчиликлар, моддий-техника таъминотидаги узилишлар, малакали кадрларнинг етишмаслиги ва бошқа омиллар сабаб бўлмоқда.

Аграр соҳада суғурта тизими ҳам молия, кредит, солиқ ва бошқа соҳалар қатори иқтисодий муносабатлар категориясига киради ва ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизими мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий унсурларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида суғурта тизимини кенгроқ жорий қилиш табиий офатлар ва қутилмаган ҳодисалар натижасида моддий зарарларни маълум миқдорда қоплаш, бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларини молиявий инқирозга юз тутишидан ҳимоялаш ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш муносабатларининг узлуксиз давом этишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 31 январдаги «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш имконини кенгайтиради. Ушбу Фармонда мамлакатимиздаги барча суғурта ташкилотларини моддий-техника базаларини ривожлантириш, минтақаларда кенг тармоқли агентлик шаҳобчаларини ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан, уларнинг чет элларда малака оширишларига катта эътибор қаратилди.

Маълумки, “Ўзаросуғурта” компанияси республика суғурта бозорида юридик ва жисмоний шахсларга 180 та ҳудудий бўлинмалари орқали 40 дан зиёд суғурта турлари бўйича хизмат кўрсатиб келмоқда.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигидаустувор йўналиш сифатида ривожлантирилаётганлиги, қишлоқ жойларида маҳсулотларни тайёрлаш ёки қайта ишлайдиган кичик ва қўшма корхоналарни ташкил этиш рағбатлантирилаётганлиги суғурта тизимини янада кенгайтиришга олиб келмоқда. Бу ўз навбатида суғурта бозоридаги компаниялар томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматлари кўламини янада кенгайтириш имкониятини яратмоқда.

Бизнинг фикримизча, истиқболда минтақавий суғурта бўлинмалари биринчи навбатда табиий офатлар содир бўлиши эҳтимоли юқори ҳудудларда жойлашган фермер ва деҳқон хўжаликларини суғуртага тортишга катта эътибор қаратиши, бу ҳудудларда ўз мижозларини кўпайтириши зарур.

### **3. Инфратузилма субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш**

Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда уларни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тадбиркорликнинг истиқболли шакли бўлган бу хўжаликларни техникавий хизматга бўлган эҳтиёжларини арзон, сифатли, ўз вақтида ва тўла-тўқис қондириш энг долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммони ижобий ҳал этишнинг энг мақбул усулларидан бири ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги амалиётида синалган, ҳар бир турдаги техника воситалари ва механизация кучидан ўзаро манфаатли фойдаланиш, хизмат кўрсатиш тизимидаги корхоналар билан эса иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиши имкониятини яратадиган хўжалик юритиш шакли фермерлар кооперацияларини ташкил этиш ҳисобланади. Ушбу кооператив тузилмаларни ташкил этишнинг объектив зарурлиги қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- инфратузилма объектларининг катта қисми кам даромадли ёки зарар кўриб фаолият юритмоқда;
- кўпчилик инфратузилма объектлар балансидаги техника воситаларининг катта қисми асосан эски, ўз амортизация муддатларини ўтаб бўлган;
- қишлоқ ҳудудлари қишлоқ хўжалиги техника воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишга ихтисослашган замонавий устахоналарга эга эмас;
- МТП, ММТП ва бошқа техник таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатувчи корхоналарда хизмат кўрсатиш нархлари юқори, иш сифати паст ва турли моделдаги техника воситаларини таъмирлаш салоҳиятига эга эмас;
- инфратузилма объектлари паст самарада фаолият кўрсатишлари сабабли уларга давлат томонидан узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар ажратилмайди, тижорат банклари томонидан ажратиладиган тижорат кредитларининг фоиз ставкалари жуда юқори.

Қишлоқ ҳудудларида кооперацияга асосланган ушбу кооператив ташкилотларни фермер хўжаликлари ёки ММТП ихтиёрида бўлган таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш базаларида ёки бошқа турдаги хизмат кўрсатиш корхоналари негизида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу хўжалик ёки корхоналарда техника воситаларини сақлаш, таъмирлаш ва бошқа тадбирлар учун махсус зарур қурилмалар ва малакали механик ходимлар мавжуд эмас. Янгидан ташкил қилинаётган ушбу кооператив ташкилотларни биринчи босқичда техника ва жижозлар билан узоқ муддатли лизинг асосида таъминлаш талаб этилади.

Ушбу кооператив корхоналар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатқилиши зарур:

- қишлоқ хўжалик ва чорвачилик соҳасидаги тадбирларни зарур ҳажмда ва ўз муддатида бажариб берқилишини таъминлаш;
- турли ҳажмдаги юкларни ташиб берилишини таъминлаш;
- техника воситаларини ижарага (лизингга) бериш;
- барча турдаги техника воситаларини жорий таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- эҳтиёт қисм ва ёнилғи - мойлаш материаллари билан таъминлаш;
- техника воситаларини сақлаш ва бошқалар.

Инфратузилма объектларида ходимларини малакасини оширишдаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини республикамиз коллежалари ва Олий ўқув юртларида қўллаш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳар бир инфратузилма объектини самралари фаолият кўрсатиши давлат томонидан кўрсатиладиган иқтисодий қўллаб-қувватлаш тизими билан биргаликда ўша корхона малакали ва тажрибали мутахассислар билан таъминланишига ҳам боғлиқ.

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси учун хориждан харид қилинаётган юқори қувватли ва кенг қамровли трактор ҳамда комбайнларнинг нархи қанчалик юқори бўлса, улардан келгусида самарали фойдаланиш учун жойларда малакали

мутахассислар талаб этилади.

Бунинг учун эса механизатор ва механик ходимларни харид қилинаётган техника воситаларини тўғри эксплуатация қилиш, уларни ўз муддатида сифатли таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш қоидаларини мукамал ўргатишимиз талаб қилинади.

Бозор иқтисодиёти ва бунда бўладиган муносабатларни доимий ҳаракатлантирувчи кучи бу рақобат ҳисобланади. Хориж давлатларида кучли рақобат туфайли қишлоқ ҳудудлари ва шаҳарларда инфратузилма объектларини фаолият кўрсатишида унчалик фарқ сезилмайди. Шунинг учун ҳам инфратузилма объектлари томонидан хизмат кўрсатиш қайси ҳудудда бўлмасин юсак даражада фаолият кўрсатади.

Республикамизда ҳам инфратузилма объектларининг самарали фаолият кўрсатиши энг аввало қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотни ишлаб чиқарувчиларнинг самарали фаолият кўрсатишига, шунингдек бу жараёнда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини самарали фаолият кўрсатишига боғлиқ. Бу жараёнда техника ёки бошқа турдаги сервис хизматларини ривожлантириш ўз навбатида бу тизимда турли мулк шакллари таркиб топиши ва улар ўртасида ўзаро манфаатли рақобат муносабатларини вужудга келтиради. Шунинг учун муқобил машина-трактор паркларини босқичма-босқич бошқа мулк шаклларига ўтказиш, хусусий ва аралаш мулк шаклларида фаолият кўрсатувчи кичик хизмат кўрсатувчи корхоналарни ташкил этишга асосий эътибор қаратилиши ва уларга биринчи навбатда давлат томонидан молиявий ёрдам берқилиши талаб қилинади.

Мавжуд имтиёзлар пировард натижада инфратузилма объектлари ўртасида рақобатни юзага келтиради ва самарали манфаатдорликни таъминлайди.

Бозор муносабатлари босқичма-босқич шаклланиб, республикамиз иқтисодиёти умумжаҳон бозор тизимига кириб борар экан, истиқболда республикамизнинг қишлоқ ҳудудларида замонавий инфратузилма объектлари ривожлантирқилиши талаб этилади.

Маълумки, Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилаётган маҳсулотларни жаҳон андозалари талаби даражасида бўлиши учун ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация тизимини таъмирлаш, ер участкаларида маҳсулотларни экишга тайёрлаш, экинларни вегетация даврида парваришлаш, йиғиштириб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш ишлари замонавий, унумдор, тежамли, иш сифати юқори бўлган техника воситалари ёрдамида бажарилишини талаб этса, иккинчи томондан инфратузилма объектларини ҳам Ушбу машина-трактор воситалари билан жиҳозланиши зарур.

Шу ҳолатни ҳисобга олиб, сўнгги йилларда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасини, қишлоқ ҳудудларидаги инфратузилма объектлари, шунингдек фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларига катта эътибор берилмоқда.

Аммо, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг айрим ҳудудларида нафақат фермер хўжаликларининг, балки фаолият кўрсатаётган инфратузилма объектларининг балансидаги машина ва механизмларни ҳам маънавий ва жисмоний эскириши, таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш воситаларининг етишмаслиги, мавжуд техника воситаларининг 70-80 фоизи ўз хизмат муддатларини ўтаб бўлган, қолган техника воситалари эса замон талабига жавоб бермаяётганлиги, зарур эҳтиёт қисмларнинг қимматлиги туфайли уларни техник тайёр ҳолда сақлаш долзарб муаммо сифатида юзага чиқмоқда.

Инфратузилма объектлари ва фермер хўжаликларида минитехнология, янги техника ва асбоб-ускуналар нархининг нисбатан юқорилиги туфайли уларни сотиб олиш учун маблағ етишмас, иккинчи томондан тижорат банкларининг кредитлари эса анча юқори бўлмоқда. Аксарият инфратузилма объектлари ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш учун техника воситалари, минитехнология ва жиҳозларни харид қилишга йирик сармоялар сарфлашга молиявий имкониятлар етишмаётган ҳозирги шароитда соҳада лизинг муносабатларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Лизинг – бу тадбиркорликнинг махсус шакли бўлиб, бунда лизинг компанияси машина транспорт воситалари, асбоб-ускуна, минитехнология, ишлаб чиқариш қурилмалари ва бошқа жиҳозларни маълум муддатга (босқичма-босқич нархини тўлаш шарти билан сотиб олиш) ижарага бериш билан шуғулланади ва бу жараёндан маълум бир фойда кўради.

Лизинг бир вақтнинг ўзида ташкилий – иқтисодий муносабатларнинг учта кўринишини: ижара, кредит ва савдо муносабатлари мужассамлаштиради. Лизинг бу маълум бир маблағни молиялаштиришни ўзига хос шакли бўлиб, мулкларни ижарага олиш ёки иқтисодий муносабатларнинг ижара шакли билан ўхшашлик томонлари бор.

Иқтисодий муносабатларнинг ижара шаклида мулкни ижарага олувчи, мулк эгасига ёки молия муассасаларига истеъмол қилинган қийматни, ижара тўловини ва банк фоизини тўлаб боради.

Лизинг муносабатларида эса техника, минитехнология ёки бошқа бир асбоб-ускуна ижарага олинади, харид қилинади ҳамда харидни молиялаштириш амалга оширилади.

лизинг муносабатларида асосан учта субъект иштирок этади:

лизингга берувчи, яъни бевосита мулкка эгалик қилувчи.

лизингга берувчи субъектлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

лизинг жараёнларини амалга ошириш учун етарли даражада молиявий маблағлари бўлган ихтиёрий фирма;

фаолият кўрсатишини белгилувчи Уставларида лизинг жараёнларини амалга ошириш кўзда тутилган банк муассасалари;

лизинг объектларини (машина, асбоб-ускуна ва ҳоказо) молиялаштириш ва уларга сервис хизмати кўрсатувчи махсус лизинг компаниялари;

Лизингга олувчи субъектлар - мулкдан фойдаланувчи, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ихтиёрий юридик ва жисмоний шахслар;

Лизинг объектларини етказиб берувчи субъектлар - техника ишлаб чиқарувчилар, савдо ва таъминотчи ташкилотлар.

## 12-жадвал

**Қишлоқ ҳудудларидаги инфратузилма объектларини самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда давлат томонидан кўрсатиладиган иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг асосий механизмлари**

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумоти асосида.

Инфратузилма субъектлари томонидан лизинг асосида моддий-техника базасини мустаҳкамланишини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватланиши истиқболда ҳар қандай инфратузилма объектларини зарур техника анжомлари, минитехнология ёки бошқа жиҳозлар билан молиявий қийинчиликларсиз жиҳозлаши имконияти туғилади. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий барқарор ривожланишини таъминлайди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги ва унинг маҳсулотларига бўлган доимий эҳтиёжнинг мавжудлиги натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори билан таклифи ўртасида мунтазам номутаносиблик мавжуд. Шунинг учун жойларда ташкил этилаётган инфратузилма субъектлари қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммоларни ечиш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар билан инфратузилма субъектлари тенг ҳуқуқли шароитда иқтисодий муносабатда бўлиши зарур.

Бу иқтисодий муносабатлар икки томонлама тузилаётган шартномаларнинг қай даражада ишлашига боғлиқ бўлади. Бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан хизмат кўрсатувчи субъектлар ўртасида шартномаларда кўпинча хизмат кўрсатувчиларнинг манфаатлари кўзда тутилмоқда. Бизнингча, уларда деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда хизмат кўрсатувчи субъектларнинг манфаатлари қўллаб-қувватланишига қаратилиши, хизмат кўрсатувчи субъектларнинг фаолияти (хизмат кўрсатиш маданияти, ходимларнинг малакаси, хизмат турлари ва нархлари) истеъмолчи субъектларнинг талабларига ҳар томонлама мос келиши лозим.

Тадқиқотларни кўрсатишича, бу соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муайян камчилик ва муаммолар мавжуд. Фермер хўжаликларига хизмат қилувчи ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилма субъектлари қишлоқ хўжалик товар маҳсулотларини етиштирувчиларнинг моддий ресурсларига бўлган талабларини ўз вақтида қондириш, маҳсулотларга сарфланадиган харажатлар миқдорини камайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнаткашларни ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтказиш, уларни дам олиш уйлари ёки санаторияларга юбориш ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларига тўлиқ хизмат кўрсата олмаптилар. Бу эса қишлоқ хўжалигида тақрор ишлаб чиқариш жараёнини барқарорлигини таъминлаш ва тармоқ самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ ҳудудларидаги инфратузилма субъектларини самарали фаолият кўрсатишини таъминлашда мақсадида давлат томонидан турли хил кўринишда иқтисодий қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Бунга юқорида келтирилган фикр мулоҳазалар мисол бўлаолади. Қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантиришда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан давлат томонидан қўллаб-қувватлашда лизинг берувчи ташкилотлардан ташқари давлат бюджетидан субсидия, дотациялар ажратилмақдаки бу, ушбу субъектларнинг фаолиятида ривожланш даражаси ошиши билан кўзга ташланмоқда.

### III-боб бўйича хулоса

Тадқиқот ишларимиз натижаларига кўра, барча турдаги инфратузилма субъектларини самарали фаолият кўрсатишининг **ташкилий механизми** – турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида тенг ҳуқуқ ва мустақил фаолият кўрсатиш эркинлигининг яратилганлиги, малакали кадрлар билан таъминланганлиги, махсус техника, бино ва иншоотлар, зарур инвентарлар, буюмлар ҳамда алоқа-коммуникация воситалари билан таъминланиши каби йўналишларни ўз ичига олар қилар экан.

**Иқтисодий механизмлар** - барча мижозларга пуллик тўлов орқали хизмат кўрсатиш, ўз-ўзининг харажатларини қоплаш ва молиялаштиришни ташкил қилиш, сифатли ва ўз муддатида хизмат кўрсатиш асосида мижозлар талабини қондириш ва муайян даромад олиш ҳисобланади.

**Ҳуқуқий механизмлар** - ўз мижозларига шартнома асосида хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатиш сифатини кафолатлаш омилларидан иборат.

Юқорида таъкидланганидек, инфратузилма субъектларини самарали фаолият кўрсатишининг ушбу механизмларига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, барча инфратузилма субъектлари ушбу механизмлар орқали ўз мижозларига хизмат кўрсатмоқдалар.

Монографик тадқиқотларга кўра, инфратузилма субъектларининг ташкилий механизмларига тегишли омиллар таъминланмаслиги натижасида бу турдаги инфратузилма субъектлари ўз мижозлари билан шартнома асосида иш юрита олмайдилар ва пировард натижада муайян даромад олиш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар. Бундан ташқари, амалиётда ҳуқуқий механизмга тегишли омил – шартномавий муносабатларга ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ амал қилинмаслиги иқтисодий механизмларга тегишли омилларга салбий таъсир кўрсатади.

Демак, баъзи бир омилларда салбий ҳолатларни юзага келиши пировард натижада бошқа механизмларнинг ҳам асосий омилларини самарасиз фаолият кўрсатишларига сабаб бўлмоқда. Масалан, алоҳида бир ҳудудда пахта хом ашёсини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларини нисбатан паст ёки ўрта фойдалилик даражасида фаолият кўрсатиши

ўша худудда фермер хўжаликларига хизмат қилаётган инфратузилма субъектларини ҳам паст ёки ўрта даражада фаолият кўрсатишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, кўплаб туманларда бозор инфратузилмасининг консалтинг хизмати субъектларини малакали кадрлар, махсус алоқа воситалари билан таъминланмаслиги натижасида улар паст самарада фаолият кўрсатиб, фермер хўжаликларининг баъзи бир соҳаларига тегишли амалий маслаҳатлар бера олмаслик ёки маълумотлар билан таъминланмаслигига сабаб бўлмоқда. Баъзи туманларда бундай турдаги корхонанинг фаолият кўрсатишини кўплаб фермер хўжаликлари билмайдилар. Ушбу ҳолат ҳам пировард натижада фермер хўжаликларининг барқарор иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Маълумки, фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқариш инфратузилма субъектига кирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида олиб борилади. Шартнома муносабатларини ташкил этишда руй бераётган камчиликларнинг аксарияти фермерларда ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги, тармоқ раҳбарлари ва ҳодимларининг лоқайдлиги, ўз ишига совуққонлик билан ёндошиши оқибатида содир этилмоқда. Айниқса, деҳқон, фермер ва қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик субъектлари раҳбарларини шартномалар тўғрисида етарли билимга эга эмаслиги, шартноманинг аҳамиятини тўла англаб етмаслиги, уларнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, хусусан, шартномалар тузиш тажрибаси ва ўз юридик хизматига эга бўлган турли хил тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда иқтисодий қийинчиликлар туғдирмоқда. Кўплаб шартномалар ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилик, жавобгарлик ва мажбуриятлар белгиланмасдан, юзаки ва сифатсиз расмийлаштирилишидан ташқари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг манфаатларига зид равишда тузилиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Шартномаларда маҳсулот ишлаб чиқарувчининг мажбуриятларига алоҳида эътибор қаратилиб, тайёрловчининг (сотиб олувчи) мажбуриятларини бажарилиши охириги ўринда қолмоқда.

Таъминот ёки хизмат кўрсатиш каби инфратузилма субъектлари томонидан фермер хўжаликларига хизматлар шартнома асосида кўрсатилади, аммо фермер хўжаликларида ва инфратузилма субъектларида бу шартномаларни бажариш даражаси айрим ҳолатларда нисбатан паст ёки етарли молиявий маблағ билан таъминланмаган. Шартнома мажбуриятларини бажарилмаслигига эса асосан томонларнинг жавобгарлиги ва маъсулиятини ҳуқуқий белгиланмаганлиги, амалдаги ўзаро ҳисоб-китоб механизмидаги камчиликлар, моддий-техника таъминотидаги узилишлар, малакали кадрларнинг етишмаслиги ва бошқа омиллар сабаб бўлмоқда.

Аграр соҳада суғурта тизими ҳам молия, кредит, солиқ ва бошқа соҳалар қатори иқтисодий муносабатлар категориясига киради ва ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалигини суғурталаш тизими мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий унсурларидан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларида суғурта тизимини кенгроқ жорий қилиш табиий офатлар ва кутилмаган ҳодисалар натижасида моддий зарарларни маълум миқдорда қоплаш, бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларини молиявий инқирозга юз тутишидан ҳимоялаш ва товар маҳсулоти ишлаб чиқариш муносабатларининг узлуксиз давом этишига ижобий таъсир кўрсатади.

## Хулоса

Мазкур магистрлик диссертация ишини таёрлаш жараёнида мавзу юзасидан олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида мувзуга қуйидагича хулоса ва таклифлар бериш мумкин;

Хулоса сифатида юқорида кўрсатиб ўтилган айрим камчиликларни бартарф этиш, қишлоқ худудларида инфратузилма субъектларнинг фаолиятни ривожлантириш, нафақат қишлоқ хўжалиги соҳаси балки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларининг ҳам ривожланиши учун асос бўлади.

1. Қишлоқ хўжалигида инфратузилма субъектларини ривожлантиришда шартнома муносабатларини такомиллаштириш, шартнома шартлари бажарилиши устидан давлат назорати (хўжалик судлари ишларини фаолаштириш назарда тутилмоқда) билан бирга жамоат ташкилотлари назоратини ҳам йўлга қўйиш лозим, натижада инфратузилма субъектлари самарали фаолият юритиши таъминланади.
  2. Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатадиган (минерал ўғитлар, нефт маҳсулотлари берувчи, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари, техника хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар, турли маслаҳат хизмати кўрсатиш борасидаги тузилмалар) ташкилотлар сони ва уларнинг турларини кўпайтириш орқали рақобат муҳитини кенгайтириш бунда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш талаб этилади.
  3. Қишлоқ худудларида инфратузилма субъектларини ташкил этишни тартибга солиш муҳим хусусиятга эга бўлиб, истиқболда инфратузилма субъектларини ривожлантиришда уларни ҳисобга олиш зарур ҳисобланади. Ҳар бир инфратузилма субъекти ўзини самарали фаолият кўрсатишини таъминлайдиган ва унга имконият яратадиган ягона тартибга солувчи бозор унсурлари талаб ва таклиф, баҳо ва рақобат асосида шаклланади. Аммо, аграр соҳада бозор муносабатларининг тўлақонли шаклланмаганлиги ҳам инфратузилма субъектларини ривожланишига асосий тўсиқлардан бири ҳисобланмоқда.
  4. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида қишлоқ худудларида инфратузилма субъектлари фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришни фақат маъмурий-буйруқбозлик усуллари билан амалга ошириш мураккаб ва бозор муносабатларига зид усул ҳисобланади.
  5. Қишлоқ хўжалигида кредит, солиқ, нарх-наво, хусусийлаштириш, инвестиция ва бошқа соҳаларда бозор тамойилларига мос иқтисодий сиёсатни олиб бориш орқали барқарор макроиқтисодий муҳитни шакллантириш ва шу асосда инфратузилма субъектларини ривожлантириш энг мақбул ва қулай йўл ҳисобланади.
- Бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда инфратузилма субъектларини ташкил этиш ва ривожлантиришда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим:
- маҳсулот сотишда тўлиқ кафолатни таъминланмаганлиги;
  - бозор конъюктураси ҳақида маълумотларнинг етишмаслиги ёки йўқлиги ва бу маълумотларни ҳар мавсумда олиши имкониятининг мавжуд эмаслиги;
  - сарфланган молиявий маблағларни қоплаш хавфининг юқорилиги ва бошқа омиллар таъсирида деҳқон ва фермерлар

маҳсулот ишлаб чиқаришдан юқори моддий манфаатдорликка эришишга тўлиқ ишонч ҳосил килмасликлари; қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқаришига ихтисослашган субъектларга хизмат қилувчи ва тармоқда юқори моддий манфаатдорликка эришишни рағбатлантирувчи тизимнинг тўлиқ шаклланимаганлиги ҳисобга олиш зарур. Инфратузилма субъектларини ривожлантирилиши қишлоқда кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантиради ҳамда бозор тамойилларини тез шаклланишини таъминлайди, жумладан, молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи тижорат банклари ўзларининг бўш молиявий ресурсларни хўжаликларнинг инвестиция талабларини қондиришга, шунингдек банк ва хўжаликлар ўртасида бозор муносабатларини шакллантириб, молиявий бозорда воситачилик тизимини ва уни тартибга солиш механизмини шакллантириш уларнинг самарали фаолият юритишига боғлиқ. Инфратузилма объектлари ва фермер хўжаликларида минитехнология, янги техника ва асбоб-ускуналар нархининг нисбатан юқорилиги туфайли уларни сотиб олиш учун маблағ етишмаса, иккинчи томондан тижорат банкларининг кредитлари эса анча юқори бўлмоқда. Аксарият инфратузилма объектлари ва фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантириш учун техника воситалари, минитехнология ва жиҳозларни харид қилишга йирик сармоялар сарфлашга молиявий имкониятлар етишмаётган ҳозирги шароитда соҳада лизинг муносабатларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

### **Адабиётлар руйхати** **Норматив-меъёрий ҳужжатлар** **Ўзбекистон Республикаси Қонунлари**

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий қонун). - Тошкент: Ўзбекистон, 2002.- 87 б.
- Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, 1995.- 114 б.
- Ўзбекистон Республикаси «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни (янги таҳрири). Тошкент, 1998.- 67 б.
- Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қонуни. Тошкент.26.10.2006. – 56-58 б.
- Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. Фермер ва деҳқонлар ҳуқуқи алифбоси.-Т.: Меҳнат,2003.-36 б.
- Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни, Тошкент. Адолат, 1998.- 49 б.
- Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги сонунини 14 апрель 1999 йил. – Тошкент. 1999.-53 б.
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 26 апрель 2003 йил // Халқ сўзи. 2003. 14 май.
- Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги 2002 йил 5 апрелдаги қонуни. //«Халқ сўзи» газетаси, 2002, 28 май, б.3-4.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 январь 2001 йилдаги “Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш ҳақида”ги Фармон. // Ўзбекистон овози. 8 январь2001.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон. ПФ-4058-сон. 28 ноябр 2008.
12. “Аҳолининг иш билан таъминланганлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 42-сонли қарори. «Норма» электрон дастури, 2007.- 33-б
13. “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 88-сонли қарори. «Норма» электрон дастури, 2007.- 5-б.

### **Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари**

14. Каримов И. А. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент: Ўзбекистон, 1995. 24 б.
15. Каримов И. А. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура., Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 67 б.
16. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 686 б.
17. Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 158 б.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Тошкент: Ўзбекистон. 1993. 71 б.
19. Каримов. И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт–пировард мақсадимиз. -Тошкент, Ўзбекистон, -2000. 81-б.
20. Каримов И.А. Вилоят, шаҳар, туманлар хокимлари йиғилишида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 17 декабр. 2005.
21. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимизга ва қатъий иродаимизга боғлиқ. 12-том. Тошкент: Ўзбекистон, 2004. 400 б.
22. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалишидир. «Халқ сўзи», 18 февраль 2003 .
23. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент: Ўзбекистон. 2009. - 56 б.

### **Асосий адабиётлар**

24. Бир томлик китоблар, монографиялар, дарсликлар, мақоллар тўплами:

#### **а) бир муаллифнинг:**

- Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент: 2004. 204-б.
- Абдуллахонов Р. Ўзбекистонда сув хўжалиги ва унинг муаммолари. – Тошкент 2003. 47-б.
- Акрамов Э. Узбекистан на пути к рынку: теоритические основы, условия и практика перехода. -Тошкент-1993. –105-106 с.
- Кадиров А.М. Эффективность совершенствования структуры реального АПК -Ташкент - 1992., -45-47 с.
- Костаков В.Г. Труд: ресурсы и эффективность использования // Москва: Политиздат. - 1997., -С.76

- Лаффер А. Частная собственность в интересах человека труда. - Москва: Дело, 1994, 62 с.
- Нигматжанов У.Х. Агрпромышленный комплекс Республики Узбекистан на пути к рыночной экономике. Тошкент-1994. -22 с.
- Петков Л.С. Формирование и использование трудовых ресурсов - Ставрополь. - 2005 г., - 83 с.
- Петти У. Экономические и статистические работы. -Москва: Наука, 1940. - 55с.
- Раджабов И.К. Исследование агроресурсов Республики Узбекистан в современных условиях хозяйствования.-Тошкент, 2003.-27-31 с.
- Рикардо Д. Политическая экономика и привлечение налога.-Москва: Знание. - 1995., -142-143 с.
- Струмилин С.Г. Проблемы экономики труда. Том.5. -Москва: Наука, 1994., - 153 с.
- Умурзаков У.П. Повышения эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. -Ташкент: Фан.-2005. -212 с.
- Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликлари ривожлантириш истиқболлари // -Ташкент: Янги аср авлоди - 2004. –144 б.
- Чориев Қ.А. Использование экономической оценки аграрных ресурсов в хозяйственном механизме. -Ташкент: Фан - 1994. 56 с.
- Яхёев Қ. Ўзбекистонда солиқлар бўйича масалалар тўплами. -Тошкент: Меҳнат, 2002. -67 б.

#### **б) икки муаллифнинг**

- Акрамов Э.А., Тоиров А.Э. Экономические реформы Республики Узбекистан. – Москва, ТОО «Люкс-арт». 1998. -165-168 с.
- Жуков Л.И., Погосян Г.Р. Экономика труда. -Москва: Экономика. – 1991.-С.18.
- Усмонов С.Н., Дадабоев Ю.Т. Дехканское (фермерское) хозяйство. УзНИИ рыночных реформ. Тошкент: 1997, 57 с.

#### **в) Муаллиф жамоаси учун**

- Алимбаев ва бошқалар.Солиқлар.-Т.: Меҳнат, 1999.-37 б.
- Дадолкл В. и др. Налогообложение в системе международных экономических отношений. -Москва: Учебное пособие. 2005. -69с.
- Исломов М.,Тўхлиев Н.Т., Усмонов С.Н., Муслимов Ш.Е. Иқтисодиётнинг долзарб масалалари. –Ташкент: Меҳнат, 1990, - 352 б.
47. Кемпбелл Р., Макконел, Стенли, Брю Л.Экономикс: Принципы, проблемы и политика. –М.: Республика, 1992,-400 с.
48. Олимжонов О., Фармонов Т., Сирождидинов С., Косимов М., Рафиқов И. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари - Тошкент: Университет, 2005. -46б.
49. Р.Х.Хусанов, А.Н.Хамдамов, И.Э.Рафиқов. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари. Тошкент.2001 й.
50. Салимов Б. ва бошқалар «Қишлоқ хўжалик инфратузилмаси иқтисодиёти». – Тошкент. 2004 й.
51. Пулатова Р. Х “Агросаноат мажмуасида инфратузилма фаолиятини ташкил этиш”.Ўқув қўлланма. ТошДАУ. 2006 йил.

#### **Илмий журнал мақолалари**

- 52.Архипов В.В. О трудовом договоре //Современное право. –Москва: Новый Индекс, 2003. -№ 1. -12-13 с.
53. Бреев Б.Д., Котляр З.И. Эффективная занятость населения и баланс трудовых ресурсов. // М.: Экономические науки. - 1999 .-№1.-С.7.
- 54.Карпунин Д.Н., Маслова И.С. Формирование и эффективное использование трудового потенциала //Москва: Вопросы экономики. - 1997. -№6. -С.53
- 55.Курбатов И.Д. Экономия рабочего времени - важный резерв роста производительности труда //Экономика сельского хозяйства и перерабатывающих предприятий. - 2002. - № 8.-С.153-156
- 56.Маслова И.С. Рынок труда. Его формирование. //Москва: Экономика. 1998 . -№ 7. -С.178
57. Радченко В., Ткаченко В. Стимулирование аграрного труда на основе рыночного механизма. //Москва: Международный сельскохозяйственный журнал. –2004 . – №3. –С.22–25.
58. Лубков А.Н. Основные инструменты организации и регулирования оплаты труда в сельском хозяйстве // Экономикасельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2007 . № 1. -С. 19.
59. Павлов П.С. Интенсивные меры использования рабочей силы // Вопросы экономики. -Москва, - 2006 . - № 3.-С.36
60. Собиров З., Шодиева Г. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида деҳқон хўжаликлари фаолияти ва истиқболлари.// Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. –Тошкент, 2002. -№ 4. 8–Б.
61. Тўлаганов Э., Ёрматов А. Аграр соҳа истиқболларини юзага чиқариш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-Т.:,2003. -№4. -Б. 47.
62. Ўктамов А. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш асослари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.- Тошкент, 2006. №10. -Б. 36-37.
63. Хўжамуродов Б.И., Хўжамуродов С.И. Фермер хўжаликларида меҳнат муносабатлари: дастлабки таклифлар //Агроилм «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги»журнали илмий иловаси. – Тошкент, 2007. –Б 53.
64. Хўжамуродов Б.И. Рағбатлантиришнинг хориж тажрибаси //Фермер: ижтимоий-иқтисодий журнал. – Тошкент, 2008. –№ 3. –Б. 34–35.

#### **Хисоботлар ва статистик материаллар**

65. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.-Тошкент: 2011.
66. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.- Тошкент: 2013.
67. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.- Тошкент: 2014.
68. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.- Тошкент:

